БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 феврaлдан чиқа бошлаган

1990 йил 4 декабрь Сешанба

№ 230 (13.666). № 231 (13.667). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

НУКУСДА КЕНГАШ

Нукусда бўлиб ўтган кенгашда Қорақалпоғистон давлат мустақиллиги муаммолари муҳокама қилинди.

Унда ССЖИ, Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон МССЖ халқ депутатлари, вилоят фирқа қўмитаси бюросининг аъзолари, шаҳар, ноҳия фирқа қўмиталарининг биринчи котиблари, Қорақалпоғистон МССЖ Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши раёсатларининг аъзолари, халқ депутатлари, шаҳар, ва ноҳия кенгашларининг ва уларнинг ижроия қўмиталарининг раислари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг раҳбарлари, фан, маданият, халқ таълими, ижодий уюшмалар жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У сўнгги вақтда зиёлиларнинг, фирқа, кенгаш фаолларининг муайян қисми орасида Қорақалпоғистон МССЖ Олий Кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилиши зарур, деган фикр вужудга келганлигини таъкидлаб ўтди. Президент Қорақалпоғистоннинг янги ҳуқуқий негизга асосланган давлат суверенитети тўғрисидаги ғояни қўллаб-қувватлади. Айни пайтда у Қорақалпоғистон жумҳуриятини суверен, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат деб эълон қилиш, унда яшовчи кўп миллатли барча аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Қорақалпоғистон тарихан таркиб топган шароитни, мустаҳкам иқтисодий ва маданий алоқаларни, халқлар дўстлиги ва биродарлигининг анъанавий ришталарини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖ таркибида қолиши лозим.

Янги шароит Ўзбекистон ССЖ билан Қорақалпоғистон жумҳурияти ўртасидаги муносабатлар шартномалар ҳамда битимлар билан бошқарилишини тақозо этади. Бунинг учун тенг ҳуқуқли икки қардош жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларининг аниқ мақсадларини икки томонлама асосда ишлаб чиқа оладиган ваколатли комиссияни тузиш зарур. Президент Ўзбекистон ССЖ аввалгидек бундан буён ҳам ССЖ Иттифоқида ва ташқи алоқаларда Қорақалпоғистоннинг манфаатларини ҳимоя қилишини алоҳида таъкидлади. Бу манфаатлар шак-шубҳасиз Қорақалпоғистон вакиллари иштирокида ҳимоя қилинади. Бу янги иттифоқ шартномасини имзолашга ҳам тааллуқлидир.

Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш, қонун чиқариш, ижрочи ва суд ҳокимиятини амалга оширишда ихтиёрий равишда Ўзбекистон ССЖ, ССЖИга бериладиган ваколатлардан ташқари мустақиллик берилиши зарурлиги таъкидланди. Ер, ер ости бойликлари, барча ресурслар, миллий бойликлар фақат Қорақалпоғистонда яшовчи халқларнинг мулкидир.

Кенгашда Қорақалпоғистон МССЖнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масалаларга бағишлаб Нукусда ва ноҳияларда фирқа-шўро фаолларининг йиғилишлари ўтказилганлиги айтилди. Бу йиғилишларда иштирок этган кишиларнинг аксарияти вилоят фирқа қўмитаси бюросининг Ўзбекистон ССЖ таркибида Қорақалпоғистон мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилиш фикрини қўллаб-қувватлади.

И. А. Каримов кенгаш қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Кенгашдан сўнг Ўзбекистон Президенти «Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш уюшмаси» аъзолари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ПАРВОЗ ҚИЛДИ

ТАСС хабар қилади:

«СОЮЗ ТМ—11» ФАЗОВИЙ КЕМАСИ УЧИРИЛДИ


1990 йил 2 декабрь куни Москва вақти билан соат 11 дан 13 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-11» фазовий кемаси учирилди.

Кема экипажи таркиби: командир Виктор Афанасьев, бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ССЖИ фазогир-учувчиси Муса Манаров ва Япония фуқароси журналист Тоехиро Акиямадан иборат.

Парвоз режаси «Союз ТМ-11» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» орбитал комплекси билан туташтиришни ҳамда унда еттинчи асосий экспедиция экипажи — фазогирлар Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекалов билан биргаликда иш олиб боришни кўзда тутади.

«Союз ТМ-11» кемасининг барча системалари бенуқсон ишламоқда. Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Тоехиро Акияма ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Фазовий аппаратларнинг туташтирилиши 4 декабрь кунига белгиланган.



«Союз ТМ-11» фазовий кемаси аъзолари учиш олдидан. ТАСС сурати.

Виктор Михайлович АФАНАСЬЕВ

Виктор Михайлович Афанасьев 1948 йил 31 декабрда Брянскда туғилган.

1970 йилда у А. Ф. Мясников номли Қизил Байроқ орденли Качинск учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тугатди. Ҳарбий Ҳаво Кучларида учувчи, кейинроқ синовчи-учувчи бўлиб хизмат қилди. Учиш аппаратларининг 40 дан зиёд турини ўзлаштирган. «1-класс ҳарбий учувчи» ва «1-класс синовчи-учувчи» малакаларига эга.

В. М. Афанасьев — 1971 йилдан КПСС аъзоси.

1980 йилда асосий ишдан ажралмаган ҳолда Серго Оржоникидзе номли Москва авиация илмгоҳини тугатди. Коинотга учишга 1985 йилдан тайёрлана бошлади. «Союз ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал станциясида парвозларга тайёргарлик тўла курсидан ўтди.

Муса Хиромонович МАНАРОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ССЖИ фазогир-учувчиси Муса Хиромонович Манаров 1951 йил 22 мартда Боку шаҳрида туғилган.

1974 йилда Серго Оржоникидзе номли Москва авиация илмгоҳини тугатганидан кейин «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайди. Ўзининг билимдон ва ташаббускор мутахассис эканлигини кўрсатди. «Мир» орбитал комплекси парвозини бошқаришда ўрин алмашиб ишлайдиган учиш раҳбари сифатида иштирок этган.

М. Х. Манаров — 1980 йилдан КПСС аъзоси.

Фазогирлар отрядига 1978 йилда киритилган. 1987-1988 йилларда Муса Хиромонович «Мир» станциясида учинчи асосий экспедициясининг бортинженери сифатида фазовий парвозда бўлган. Бу парвоз рекорд муддат — 366 кеча-кундуз давом этган. Унга «2-класс фазогири» малакаси берилган.

М. Х. Манаров — РСФСЖ халқ депутатидир.

Тоехиро АКИЯМА

Япония фуқароси Тоехиро Акияма 1942 йил 22 июнда Токиода туғилган.

1966 йилда Токиодаги халқаро христьян дорилфунунини тугатганидан кейин Япониядаги Ти-Би-Эс телевизион корпорациясида ишламоқда. Ҳозир у — халқаро янгиликлар программасининг катта муҳаррири ва шарҳловчиси.

Тоехиро Акияма мухбир сифатида парвозларда қатнашиш учун Япония Ҳарбий-ҳаво Кучларининг қирувчи самолётларида тайёргарлик кўрди.

1989 йил октябрь ойида Ю. А. Гагарин номли фазогирларни тайёрлаш марказида машқ қила бошлади. «Союз ТМ» кемаларида ва «Мир» орбитал комплексида парвоз қилишга тайёргарлик курсидан ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи 1990 йил 7 декабрь куни соат 10.00 да Санъат саройида очилишини маълум қилади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Мажлислар залида шу йил 5 декабрь куни соат 9.00 дан 17.00 гача ва шу йил 6 декабрь куни 14.00 дан 19.00 гача рўйхатга олинади.

Жумҳурият янгиликлари

БУТУНИТТИФОҚ нефть ва газ илмий-тадқиқот илмгоҳида «Газохим-1» асбоби ишлаб чиқилди. У «Муборакгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига газ қувурлари хизмат муддатини узайтиришда ёрдам беради. Асбоб қувурлардаги зангларни тозалайди, йилига камида 70 минг сўм пулни тежаб қолишга имкон беради.

Бошқарма жамоаси кейинги уч йилда юздан ортиқ ихтирочилик таклифларини жорий этди, бундан олинган иқтисодий самара 360 минг сўмдан ошиб кетди. Натижада конлар рентабелли ишлайдиган бўлди, углеводород ёқилғисини қазиб олишда ва ташишдаги исрофгарчиликлар жуда камайиб кетди. Кончилар Муборак газни қайта ишловчи заводининг технология қурилмаларига ҳар йили тўрт миллион кубометрга яқин газ юборадилар. Конденсат қазиб олиш жадвалидан ҳам анча ўзиб кетилди. Жамоа барча шартномавий мажбуриятларни муддатида бажармоқда.

* * *

«ФЕРГАНААГРОСПЕЦРЕМОНТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қўқондаги мотор ремонт заводида бир йўла бир неча янгилик қилинди. Бу ерда шиша идишларни ювадиган машиналарни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар кичик корхоналар учун мўлжалланган бўлиб, мева ва сабзавотларни қайта ишлашда қўлланилади. Ускунанинг тажриба намунаси маҳаллий мусаллас-арақ заводида муваффақиятли равишда ишлаб чиқариш синовидан ўтди.

Бошқа бир янгилик — 25 куб метр сиғимга эга бўлган пўлат сув минорасини кўплаб ишлаб чиқариш бошланди.

Корхонада халқ истеъмоли молларини ҳам унутишгани йўқ. Қишлоқ қурувчиларининг катта талабини ҳисобга олиб, бу ерда сув иситадиган қозонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Савдога ҳозирнинг ўзидаёқ шундай қозонлардан беш юзтаси чиқарилди.

* * *

ХОНҚА ноҳиясида цемент заводи ишга тушди. Бу ерда металлургия саноати чиқиндиларидан таҳчил қурилиш материаллари тайёрлайдилар.

Тошкент политехника илмгоҳи билан ССЖИ илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси Хоразм вилоят бошқарувининг ҳамдўстлиги туфайли шундай цемент олинди. Улар ана шу цементни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Металлургия комбинатлари илгари ташлаб юборадиган тошқоллардан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Янги корхона мукаммал янчиш ва майдалаш ускуналари, бошқа механизмлар билан жиҳозланган. Тўғри, корхонада ишлаб чиқариш жараёни муттасил хавф остида турибди, чунки заводга хом ашё ғоят етишмаяпти.

Шундай бўлса ҳам маҳсулотнинг дастлабки 500 тоннаси вилоят қурилиш иншоотларига етказиб берилди. Цементни якка тартибда уй қураётганлар ҳам бажонидил сотиб олишмоқда. Унинг арзонлиги ва юқори сифати харидорларни қизиқтириб қолди.

Биринчи саҳифага мактуб

ИСМ-ШАРИФЛАР ҲАМ МИЛЛИЙЛИК РАМЗИ

Исмимни ота-онам ўниб-ўссин деган ният билан Тупли деб қўйишган. Аммо қишлоқ Шўросидагиларнинг билимлари «ғовлаб» кетганидан исмимдаги «п» ҳарфининг ўрнига «ф» ҳарфи ёзилган. Фамилиямни эса Эрназаров ўрнига Эназаров деб ёзишган.

Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ деганларидек дарду-ҳасратимнинг давоси топилди, ўтган йили Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Давлат тили ҳақида қонун қабул қилди.

Қонунда: «Ўзбекистон ССЖда яшовчи фуқаролар миллатидан қатъи назар ўз исмини, ота исмини ва фамилиясини тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотларда қайд этилади. (25-модда)», деб ёзиб қўйилган. Бу ҳужжат исми-шарифларимизнинг хатосиз ва аниқ қилиб ёзилишига кафолатдир. Лекин фамилиям ҳали ҳам хато ёзилади, бу ҳол оиламиздагиларнинг ҳаммасига тегишли. Начора, саводсиз ва масъулиятсиз бир ходимнинг хатоси туфайли бир умр шу фамилия билан юришга мажбурмиз.

Ҳар бир кишининг исми у мансуб бўлган халққа хослигини тарихий ва бадиий асарларда ўқиганмиз, кўрганмиз. Нега ҳозир шу ҳол йўқ? Ахир бир бутун халқлигимизни она тилимиз билан бирга анъаналаримиз, атамаларимиз, исмларимиз орқали исботлашимиз керак-ку!

Баъзи ота-оналар ҳиндларнинг, испанларнинг, инглизларнинг ва бошқа халқларнинг исмларини болаларига қўйишмоқда. Тўғри, болага ота-она хоҳлаган исмини қўйиши мумкин. Аммо бошқа миллатга хос ёки нотўғри ёзилган исмлар билан аталган чақалоқлар чақалоқлигича қолишмайди-ку! Улар эртага улғаядилар.

Она тилимиз меҳнаткаш, болажон халқимиз учун имон ва эътиқод бешигидир. Зотан Она заминдаги ҳар бир халқ учун миллийлик рамзи бўлган исм-шарифларимизнинг хато ёзишларига йўл қўймайлик.

Т. ЭНАЗАРОВ,
ТошДД ўқитувчиси.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам Шарқ кураш усулларига, умуман жисмоний тарбияга кенг эътибор берила бошланди. Бунда албатта, турли ширкат усулида иш олиб бораётган тўгаракларнинг ҳиссаси катта. Тўғри, улардаги машғулотга тўланадиган пуллар бироз қимматроқ — ҳамманинг чўнтаги кўтаравермайди. Лекин саломатликни пул билан ўлчаб бўлмайди-да!

Танишларимдан бирининг ўғли таэквондо билан шуғулланади. Қизиқиб қолдим. Машғулотларидан бирига бордим. Тошкент шаҳридаги 260-ўрта мактабда экан. Болалар гуруҳига қирққа яқин ёш бириккан. Ойига — ўн сўм хизмат ҳақи. Тренер ҳам ақлли, энг асосийси, меҳрибон корейс йигити экан. Корейс, рус ўзбек тилларини жуда яхши билади. Аммо мени ҳайратга солгани, шунча ҳавасмандлар орасида ўзбеклар бор-йўғи уч киши эди. Ҳолбуки, мактаб жойлашган маҳалла ва даҳада миллатдошларимиз кам эмас. Нега болаларимиз спортдан йироқда? Балки бу биз ота-оналарнинг эътиборсизлигидандир?

Фарзандларимизни нафақат едириб-ичиришимиз, кийинтиришимиз, уларни соғлом, қалтис вазиятларда эса ҳеч бўлмаганда ўзини-ўзи ҳимоя қила оладиган қилиб тарбиялаш ҳам бурчимиз-ку? Яшириб нима қиламиз, кўпчилик йигитларимизнинг ҳозирги пайтда қурилиш батальонларига тушаётганига ёки хизматдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтаётганлигига уларнинг жисмоний баркамол эмаслиги сабабчи бўлмоқда. Жиноятчилик тобора ўсиб, замон қалқиб турган бир пайтда фарзандимиз эпчил, чаққон, бақувват, жасур ва иродали бўлиб ўсса, бунинг нимаси ёмон?!

Бойназар БОЙМУРОДОВ,
ТошДД толиби.

Шу сонга хабар

Огоҳ бўлинг, одамлар...

Тўғриси, бундай воқеалар ҳар қадамда учрайди. Яна бир-биримиздан нолиб юрамиз: «Одамларга ҳайронмиз. Кўчада ўғрини кўрса кўрмасликка олади. Иккитаси жанжаллашса «ке қўй, оч қорним, тинч қулоғим» дея қўл силтайди. Аслида-чи?

Яхшиси, шу йилнинг 31 октябрь куни содир бўлган воқеани эшитинг: Ҳамид Олимжон метросининг чиқиш жойида (Пушкин кўчаси) бир йигит йўловчи аёлнинг қўлидан сумкасини юлқиб олиб қочаётганини кўриб қолдим. Чидаб туролмадим. Ҳалиги аёл йиғлаяпти денг, ҳамма бепарво. Ўғрининг шериклари ҳам бўлса керакдир, деб ўйладим. Балки уям қўрқиб кетдими, кўча бўйлаб қоча бошлади. Машинада эдим. Изидан қува бошладим. Сўнгра пиёда югуриб етиб олдим. Жабрланувчи етиб келди. Ҳалиги безорини ички ишлар бўлимига олиб бордим. Қўлга олинган А. Б. (ҳозир тергов ишлари давом этаётгани туфайли тўлиқ исм-шарифини ёзмадим) бу қилмиши учун энди қонун олдида жавоб беради.

Агар мен ҳам бунга қўл силтаб кетганимда ҳалиги товламачи яна кимларнидир зор-зор қақшатиши мумкин эди...

Б. ҚАИПНАЗАРОВ,
Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси халқ суди ходими.

Қардошлар байрами

Ўзбек ва туркман халқи азалдан дўст, иноқ яшаб келмоқда. Икки давлат чегарасидаги Олот ноҳияси пахтакорлари бу йил жумҳуриятимизда иккинчи бўлиб ғалаба нашидасини сурган эдилар. Омборларга 36 минг 200 тонна юқори сифатли хом ашё жамғарилди. Яқинда Бухоро вилоятининг бу икки ноҳияси меҳнат аҳли «ҳосил байрами»ни нишонладилар. Улар билан қардош Туркманистон жумҳуриятининг Чоржўй вилояти Фароб ноҳияси меҳнаткашлари ҳам бу тантанани бирга баҳам кўрдилар.

Дастлаб фаробликлар Олотга ташриф буюришди. Эртаси куни эса ҳосил тўйи Жайҳун соҳилларида — туркман мусобақадошлар юртида давом этди. Фароб ноҳияси меҳнаткашлари ҳам бу йил 25000 тонна пахта тайёрлашган эди.

— Учрашувлар чоғида бўлиб ўтган суҳбатларда ютуқлар билан бирга ноҳияларимизнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолияти масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Олот ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби, ноҳия Шўросининг раиси Ғофир Раҳматович Ботиров, — Бундай байрамлар анъанага айланиб қолади.


(Ўз мухбиримиз).

Квартиралар нархи арзонлашди

Архангельск шаҳар кенгашининг сессияси шахсий мулк сифатида квартираларни ярим нархига сотиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қоида ҳозирча фақат шаҳар маҳаллий уй-жой жамғармасига тегишли бўлиб, ҳозир бу ерда 40 мингга яқин квартира бор. Агар пул бир йўла тўланса, квартира нархининг 10 фоизи чегириб ташланади. Беш йилгача муддат билан қарзни узиш ҳам мумкин. Кўп болали оилалар, ногиронлар учун умумий турар-жой майдонининг ҳар квадрат метри қиймати қўшимча равишда тўртдан бир баравар арзонлашади. Масалан, икки хонали эски квартирани атиги 1-2 минг сўмга сотиб олиш мумкин. Айни вақтда ҳозир чайқов бозорида бундай квартиралар нархи 25-30 минг сўмга етмоқда. Уйга эга бўлган кишилар бутун уйдан фойдаланишга ва таъмирлашга кетган пулларга ўз ҳиссаларини қўшишларига тўғри келади.

Тошбақа урчитилмоқда

Мустақил бўлсак, шарт-шароит тақозосига қараб иш тутишимизга йўл берилса, турмушимизни тубдан ўзгартириб юборишимиз ҳеч гап эмас. Бу, аввало, ҳар бир хўжаликнинг уддабуронлигига боғлиқ. Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида дадил қадамлар ташланмоқда. Жумҳуриятимизда фойдасиз нарсанинг ўзи йўқ. Хўжаликда тошбақа урчитиш йўлга қўйилган. Унинг нима кераги бор, дерсиз. Битта тошбақа ўн беш доллар баҳоланмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий мамлакатларнинг бир нечта фирмаси хўжалик билан шартнома имзолаб, олди-бердини бошлаб юборишди. Соф фойда эса хўжалик аъзоларининг даромадларига даромад қўшмоқда.



СУРАТДА: урчитилаётган тошбақалар.
Р. НУРИДДИНОВ тасвири. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди музокораларидаги нутқлардан

З. САИДХЎЖАЕВ —
Андижон вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Ўртоқлар, шуни таъкидлаб ўтиш кераки, Андижон вилоятининг кўпгина корхоналарида сўнгги вақтларда интизом тушиб кетди ва жумҳуриятда умуман мураккаб вазият юзага келди. Жумҳурият аҳолисининг учдан бир қисми — бу оиласини тебратиш учун зарур бўлган маблағ ололмаётган ёшлардир. Ёшларнинг меҳнат ҳақи ойига ўртача 120 сўмни ташкил этади.

Агар жамиятимиз бозор иқтисодиётига ўтадиган бўлса, бу оилалар қандай яшашини тасаввур қилиб кўринг. Мазкур съездда бозор муносабатларига ўтиш пайтида ёшлар ва уларнинг оиласи қандай яшаши масаласини ҳал этишимиз зарур. Ёшларнинг ижтимоий масаласи қандайдир ҳал этилиши лозим.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллигини, жумҳурият комсомол ташкилотининг мустақиллигини янада ривожлантиришимиз зарурлиги шубҳасиздир. Ёшларнинг эркин ривожланишини таъминлаш масаласи — ёшлар иттифоқимиз эришиши лозим бўлган асосий муддаодир. Ёш оилаларнинг ижтимоий даражасини ошириш, миллатлараро муносабатлардаги кескинликни бартараф этиш, буларнинг барчаси ёшлар қонунсиз йўл билан маблағ ишлашга уринишига чек қўяди.

Матбуотда вилоятимиздан маҳаллий бўлмаган, рус тилида сўзловчи аҳолининг кўпчилиги жўнаб кетди ва жўнаб кетишда давом этмоқда, деб кўп ёзилди. Эндиликда эса вилоятга яна қайтиб келишга ижозат сўраб кўпгина аризалар тушаётганлигини айтиб ўтиш керак. Вилоятдан ташқарига чиқиб кетган жуда кўп кишилар яна қайтиб келишни истамоқдалар. Марказий ойнаи жаҳон орқали қайтиб келишни истаётган ва қайтиб келадиган оилаларни кўрсатиш зарур, деб ўйлайман. Иттифоқимиздаги кишилар бизнинг халқимиз бошқа халқларни ҳеч қачон тақиб этмаганлигини кўриб қўйиши учун ҳам бу зарурдир.

Сиз матбуот материаллари ва ҳужжатлар орқали ҳатто Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам ўзбек замини кўчириб келтирилган халқларни қабул қилганини яхши биласиз.

Бугунги кунда жумҳуриятда ва шу жумладан вилоятда ёш кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшларни фақат ўқитибгина қолмай, балки улар тирикчиликка қонуний маблағга эга бўлишлари учун ишчи ўринлари билан ҳам таъминлаш муҳимдир.

Ёшларимизнинг хорижда таълим олишга юборишнинг эндиликда имконияти пайдо бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ана шу имкониятни бой бермасдан, балки аксинча, ҳар қандай услублар билан унга кўмаклашиш лозим. Жумҳуриятимиз яқин келгусида юқори малакали ходимларга эга бўлиши мумкин. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича юбориладиган 50 минг ёшдан бизнинг ёшларимиз ўқиш учун хорижга борадиган бўлса, у ерда панд бермайдилар.

Имкониятдан фойдаланиб, бир қатор таклифларни киритмоқчиман. Ҳукуматимиз бизнинг Андижон вилояти аҳолиси ғоят зичлигини, бир квадрат киломертга 130 киши тўғри келишини ва ҳар йили Андижон вилояти аҳолисининг миқдори 40 минг кишига кўпайиб бораётганлиги масаласини кўриб чиқиши зарур, деб ҳисоблайман. Бизда ерга ер қўшилаётгани йўқ ва истиқболда ҳам қўшилмайди. Андижон вилояти эркин иқтисодий тараққиёт минтақасига айлантирилишини истардик. Ҳозир барча ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига илтимосимиз — ана шу ҳужжатларни тегишли ташкилотларга бериш масаласида кўмаклашса.

Комсомол ташкилотларига хизмат қилувчи банкнинг муносабати бизни ғоят тўлқинлантиради. Турли хил молларга лимитларнинг мавжудлиги комсомол ташкилотлари ишини ғоят қийинлаштиради. Жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига ана шу муаммони ҳал этишда, комсомол ташкилотларига катта боғ ажратишда кўмак бериш таклифимиз бор. Биз ана шу боғда қаҳрамонлар хиёбонини ташкил этган бўлардик. Бунинг учун маълум миқдорда маблағ сўрардик. ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг бугун сайлайдиган янги таркиби ана шу масалаларни ҳал этишда кўмак беришини истардик.

Съездимизда БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қатнашаётганлигини эътиборга олиб бир масалага муносабатимни билдирмоқчиман. БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг сўнгги пленумида мутлақо тасодифан комиссиянинг мажлисига тушиб қолдим. У ерда Оролбўйи учун маблағ тақсимланарди. Ана шу комиссияда Туркманистонга 1 миллион 200 минг сўм, нима учундир Қозоғистонга қарийб 2 миллион сўм, Қорақалпоғистонга эса 250 минг сўм берилишига қарор қилинди. Ана шу маблағга Қорақалпоғистон Туркманистон ва Қозоғистонга қараганда ҳам кўпроқ муҳтождир, деб ҳисоблаймиз. Бу масалани қайта кўриб чиқиш зарур.

М. НУРАЛИЕВ —
Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номидаги давлат хўжалиги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи:

—Барчамиз бу ерга якдил мақсад билан келганмиз. Шунинг учун гапни чўзмасдан ёшларимиз ташкилотининг равнақини таъминлаш мақсадига ўтмоқчиман.

Мен комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлайман. Вилоятимизда ва хусусан қишлоқ ёшлари олдида талайгина муаммолар мавжуд. Айниқса, вилоятимизнинг тоғли ноҳияларида кўпчилик йигит-қизлар ишсиз.

Бугун эрта бозор иқтисодиётига ўтамиз, деб турган бир пайтда асосий эътибор ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш масаласига қаратилмоғи лозим. Ёшлар фирқадан, комсомолдан, Шўролардан энг биринчи навбатда ана шуларни талаб этмоқда.

Юқорида айтганимдек, тоғли ноҳияларимизда асосан чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланишади. Бу ерларда ҳаммани ҳам иш билан таъминлаш қийин. Лекин иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, дейишади. Менимча, ўша жойларда ҳеч иккиланмасдан гўшт-сут, ғалла-дон маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш лозим. Ёки хотин-қизлар учун бичиш-тикиш ширкатлари, гилам, палос тўқиш цехлари очиш керак. Бу билан кишиларнинг турмуш шароитлари яхшиланади, ишсизлик муаммосига ҳам барҳам берилади.

Мен қишлоқ ёшларининг муаммолари билан ҳеч ким қизиқмаяпти, демоқчи эмасман. Аксинча, жумҳуриятимиз Президенти, ҳукуматимиз раҳбарлари халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда бир қанча яхши ишларни қилаяптилар. Масалан, яқинда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси қабул қилган қарорни олайлик. Унда жумҳурият ҳудудида истеъмол молларини шартномавий нархларда сотиш тартиби белгилаб берилган. Шунингдек, қишлоқларни газлаштириш, одамларни ичимлик суви билан таъминлаш, уларга томорқалар бериб бориш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам халқимизга жуда манзур бўлмоқда. Яна бу йил пахта теримига ҳақ тўлашнинг оширилиши ҳам ўзининг ижобий самарасини берди.

Диққатингизни яна бир нарсага қаратмоқчиман. Ёш иқтисодчилар, талабалар чет элларда ўқитилишига эътибор кучайтирилди. Бу жуда тўғри иш. Лекин, қишлоқ хўжалигининг ёш, истеъдодли мутахассисларини нега чет элга жўнатиш мумкин эмас. У ерда улар фермерлик хўжаликларида иш ўрганиб, тажриба орттириб, қайтсалар қандай яхши бўларди.

Б. ЗОКИРОВ —
Самарқанд вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жумҳуриятимизда юз бераётган қийинчиликлар, айниқса, кам таъминланган оилаларга катта таъсир этади. Шунинг учун ҳам олдимизда ўтиш даврида жумҳурият комсомол ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ёш оилаларни, кам даромадли йигит-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилмоғи керак. Комсомол қўмиталари ёшларга иш ўринлари, уй-жой, имтиёзли солиқ белгилаш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга ўз ёрдамларини кўрсатишлари лозим.

Бу ишларни амалга ошириш учун биринчи дадил қадам «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишни тезлаштириш ҳисобланади. Бизнингча, бугун муҳокамага қўйилган қонун лойиҳаси комсомол-ёшларнинг барча ҳуқуқларини ўзида тўлиқ ифодалашга қарамасдан, баъзи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазаларимизни съезднинг таҳририят комиссиясига топширганмиз.

Кеча бўлиб ўтган жумҳурият Президенти билан учрашувда шу нарса маълум бўлдики, жумҳурият Президенти қонун лойиҳаси билан шахсан таниш эмас экан. Ўзбекистон комсомоли раҳбарлари ушбу қонун лойиҳаси, уни амалга ошириш йўллари билан жумҳурият раҳбарларини таништиришлари керак эди. Шунга қарамасдан мен қонун лойиҳасини асос учун қабул қилишни ва жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишни ҳамда 1991 йилнинг биринчи ярмигача қабул қилишни талаб қиламан. Бу қонунни қабул қилишда БЛКЁИдан сайланган ССЖИ халқ депутатларининг иштирок этишлари зарур деб ҳисоблайман.

Бугунги съезд мажлисида комсомол Марказий Қўмитаси котибларининг Ўзбекистон комсомоли келажаги тўғрисидаги шахсий фикрларини эшитсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда ҳаммани ташвишга солаётган яна бир муаммо бор. Бу атроф-муҳитнинг табиий вазияти бузилиб кетаётганлигидир. Жумҳуриятдаги экологик ҳолатнинг ёмонлашувига биргина Орол денгизи эмас, балки барча вилоятлар марказларидаги, ноҳияларидаги йирик саноат корхоналари ҳам ўзларининг «ҳиссаларини» қўшмоқдалар. Масалан, Самарқанд шаҳридаги кимё заводининг ва бошқа йирик саноат корхоналарининг шаҳримизга етказаётган зарари аждодларимиз томонидан бизга эсдалик сифатида қолган Регистон, Шоҳи Зинда, Бибихоним ансамбллари, Амир Темур мақбараси ҳамда бошқа тарихий обидаларнинг емирилишига олиб келмоқда.

Экологик вазиятни яхшилаш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар бажарилмасдан қолаётир. Келажак авлод тарихий обидаларга етказилган зарар учун бизни ҳеч қачон кечира олмаслигини унутмаслигимиз керак.



Ўзбекистон комсомоли XXIV съездининг сўнгги кунида ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилганлар кўп бўлди.
Е. БОТИРОВ суратлари.





ТУБСИЗ ЎЙЛАР...

ОНА ЎЗ БОЛАСИНИ ташлаб кетди. Кўзлари намланмади, виждон азобидан қийналмади. Бир тўғрам нонга зор бўлганидан эмас, енгил ҳаёт йўлида ўз пуштини кўр тақдир қўлига топширди. Ким билсин, балким у икки ўт аро — она меҳри билан ёвузлик орасида ёнгандир, балким беписанд кўзлари ёшга тўлмагандир. Ким билсин... Табиатнинг азалий қонуни: шер борми, бўри борми, маймун борми, ўз боласи деб яшайди, ўз насли деб ўлимга тик боради. Ҳатто илон ҳам боласини «суюклим» деб эркалайди. Демак, инсон шу йиртқичлардан ҳам йиртқичроқ маҳлуқ эканда? Йиртқич бўлмаганда, кундан-кунга авж олаётган жиноятлар, катта-кичик адоватлар, падаркушлигу фарзандкушликлар бўлмасми, одам ўлдираётган қотил лаззатланмасми эди? Буюк француз файласуфи Монтен: «Расво замонда туғилиш ҳам ёмон эмас, зеро, ўзингизни кўп уринтирмай саховатли инсон номини оласиз. Кимда-ким падаркуш бўлмаган, мачитни оёқ ости қилмаган экан, туппа-тузук, имони бутун инсон саналади, бизнинг замонда...» деган эди. Демак, мен — саховатли, сен — саховатли, у — саховатли, биз — саховатли... РАСВО замоннинг РАСВО ишлари устидан РАСВО ҳукм чиқарамиз...

Айтинг-чи, фарзандини ташлаб кетган қайси жувон қонун олдида жавоб берган? Ота-онаси тирик етимлар улар устидан ҳукм чиқаришга ҳақлимилар? Йўқ, ўшанда ҳам авфу адолатли: болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчига йилига 400 сўмлик кийимбош олиб беради, ҳамма шароитни муҳайё қилади. Катта ҳаётга қадам қўйишдан олдин 1200 сўм ёрдам пули беради. Бироқ бу ғамхўрлик ота-она ўрнини боса олармикин? Билмадим, буни болалар уйидаги юзлари кулиб турган, кўзлари мунг билан тўлган норасидалар минг карра яхшироқ тушунадилар. Ким билсин, улар орасида келажакнинг олимлари, шоирлари, умуман чин инсонлари, афсуским, жиноятчилари, қотиллари бордир, бироқ қалбининг бир чеккасида ота-она тарбияси, яхши-ёмон кунларда юпатгувчи қўллар йўқлиги изтироби кўмилиб ётади-ку, ахир? Ким билсин... мен ҳакамлик қилмоқчи эмасман... Зотан олий ҳакам осмоннинг кўз илғамас ерига макон қурган...

Хўш, ким айбдор ўзи? Албатта, ота-она, ёхуд нафс кўчасининг иттопмас ерларига ошён қурганлар айбдор. Лекин хулоса чиқаришга шошилмайлик. Айбдорлар қаторига ўз тузумимизни қўшсак бўладими? Ишонтириб айтаманки, бўлади. Ахир инсонларни тирик қўғирчоққа айлантирган, жамият қомусига айланиб кетган динни таг-томири билан қўпормоқчи бўлган шу тузум эмасми? Ахир одамзот азалдан тўплаб келган жамики билимлар, инсонни покликка, эътиқодга, яхшиликка, маънавий юксакликка ундовчи ўзгармас қонунлар жам эмасми эди Тавротда, Қуръони каримда? Йўқ, мен динни тарғиб қилмоқчи эмасман асло. У тарғибга муҳтож ҳам эмас!

Ахир бирон-бир илоҳий нарса борки, халқимизнинг деярли кўпчилиги динга ишонганларни сиқувга олган даврда ҳам гоҳ яширин, гоҳ очиқ худога сиғиниб келди. Демак, халқнинг қон-қонига сингиб кетган эътиқодни синдириб бўлмас экан. Бироқ, ҳозирги ёшларнинг аксарияти на динга, на фирқага ишонади. Уларда муқим эътиқод йўқ. Шунинг учунми, уларда юксак орзу, билимга чанқоқлик, яхшилик қилишдай эзгу ниятларнинг куртаги қуриб кетган. Улар бу «телбалик»дан кўра, айшу-ишратни, латта-путталарни, «мойлироқ» жойни, қорнининг сувини қимирлатмай пул топишни афзал кўрадилар. Уларнинг яккаю-ягона шиори «Етиб қолгунча отиб қол». Бунга тузум бўлмай ким айбдор?

Ҳа, ҳамма етим: биров билан бировнинг иши йўқ, бетон қутилардаги ён қўшнилар бир-бирини танимайди, ҳамма ўз қобиғига ўралган, «бу дунёда ёлғизман, етимман» дея оҳ уради.

Тошкентдаги 29-болалар уйига бордик, Озода, шинам уй. Болалар уйи директори Султон Абдуллаев шароит билан таништираётиб, шундай дейди: «Бизда 156 бола яшайди. Шулардан 40 нафари ўзбек. Аксарияти кўчада қолган, ота-онаси ташлаб кетган болалар. Буларга яхши шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бизда 22 та тўгарак ишлаб турибди. Болалар уйини қайта таъмирлаш учун 130 минг сўм ажратилган. 12 та рангли телевизоримиз, автомат-ўйинларимиз бор. Болаларнинг кунлик овқати 2 сўмни ташкил қилади. Ҳар доим назоратимиз остида бўладилар. Бизда қатъий белгиланган кун тартиби мавжуд. Таътил пайтлари кашшофлар лагерларига, турли шаҳарларга бориб-келиб туришади. Ҳамма шароит бор. Бироқ булар биргина ота-она меҳри олдида ҳеч нарсага арзимайди. Шунинг учун ҳам бизнинг ишимиз катта сабр-тоқат, матонат талаб қилади».

Болалар билан суҳбатлашдик: баъзилари индамас, баъзилари серзарда, баъзилари шўх. Саволларга қисқа: ё «ҳа», ё «йўқ» деб жавоб берадилар. Ўйлаб қўйилган: «Ота-она деганда нимани тушунасизлар? Ота-онангизни эслай оласизми? Қандай қилиб бу ёққа келиб қолдинглар?» деган саволларни бериш нақадар оғирлигини, ярага туз сепиш бўлишини ўша ёқда англадик. Саволлар саволлигича қолди. Бироқ бу гўдакларнинг кўзларида жавоб зоҳир эди. «Бўш вақтларда нима қиласизлар?» деб сўрадик.

— Дам оламиз: кино кўрамиз, бичиш-тўқиш, ҳар хил тўгараклар...

— Кун тартибидан қониқасизларми?

— Унчалик эмас, ҳаммаси олдиндан белгилаб қўйилган, кечаси ҳамма, албатта, ухлаши керак. Нима, роботлармидик?
— Энг яхши кўрган нарсанглар нима?
— Кино...

— «Бадиий китоб ўқийсизларми?»
Кулги.

— Пушкин... Кўпроқ кинони ёқтирамиз.
Кино яхши нарса. Бироқ бадиий китоб умуман бўлак завқ беради. Асримиз кино асри балки адабиётдан кинони устун қўйганлари учун ўпкаламаса ҳам бўлар... Лекин ўша қизнинг ерга қараб: «Нима, роботлармидик» деганлари... Ҳа, робот эдик, синглим, ҳозир ярим роботмиз. Нималарнидир гапирамиз, нималарнидир қиламиз, бироқ юрагимиз йўқ, синглим. Агар юраги борлар бўлганида, сен шу ерларда юрармидинг, агар юраги борлар бўлганида, Ўзбекистонда болалар уйи қурилган бўлармиди? Ота-онанг бўлмаса, мени кечир. Бироқ ота-онаси тиригу, ўзи сен билан яшаётган дугоналаринг битта эмас, иккита эмас, ўнтадир, ахир, синглим? Ахир уларнинг ота-онаси ҳам Ўзбекистон тупроғини булғаб юрибди-да, синглим...

Оврўпони билмайман, синглим, бироқ ота-боболаримиз фарзандини хўрлаб қўйган эмас эди-ку, ахир? Уруш йиллари неча миллион қардошларингни ўзининг бир этак боласи бўлишига, зўрға кун кечиришига қарамай боқиб олган эди-ку? Ўзбек хонадони наҳот энди ўз фарзандини кўзи қийиб болалар уйига ташлаб кетса? Қани меҳр-оқибат, қани раҳм-шафқат, қани имон? Ривоятдаги сариқ дев ютиб кетдими буларнинг ҳаммасини, синглим? Бир кун келиб фарзанд кўрарсан, биламан, болалар уйига ташлаб кетмайсан, зеро, ўзинг етимликнинг аччиқ мевасини татиб кўргансан, кечалари унсиз йиғлаб чиққансан, ёстиқларинг хўл бўлиб кетган, ҳалигача ёноғингни ачиштиради, синглим.

Бу қандай замон бўлди ўзи: адолат, эрк, инсонийлик топталса, сен етим бўлсанг, у етим бўлса, халқ етим бўлса?... Бобомиз Жалолиддин Румийнинг «Ҳар бир инсон инсони комил бўлиши мумкин бинобарин, ҳар бир инсон муқаддасдир. Эҳтимол, у — анави девор остида ётган гадодир, балки у манглайига тамға босилган манави қулдир...» деган гаплари қайда қолди, синглим? Ё уни ҳам девга тўнкаймизми?... Ҳа, синглим, ҳали ярим роботмиз. Юртимизда ҳалиям байталмон болалар уйи бор экан, ҳали-бери инсон бўлмаймиз, синглим...

ЖАҲОНГИР.

Биз—байналмилалчилармиз!

Соҳилдаги учрашувлар

Амунинг қўш соҳилида туркий халқлар қадим-қадимдан дўст-иноқ яшаб келишади. Ўша Буюк Хоразм давлатидан ва ундан минг-минг йиллар муқаддам ҳам. Тил бир, тупроқ бир, урф-одат бир. Турмуш ташвишлари-ю, ютуқ-камчиликлар, ҳеч ҳал бўлмаётган муаммолар ҳам бир.

Лекин, узоқ йиллар иккала соҳиб бир-биридан сунъий равишда ажратиб келинди — дарёга кўприк солиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Биргина ўтган йили уч жойдан фонтан-кўприклар ишга туширилгани — қуда-анда элни тағинда яқинлаштирди, бирлаштирди. Урганчдан Беруний шаҳрига йигирма дақиқада етиб олиш мумкин...

Етмишинчи йилларда Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти ва Хоразм вилояти ўртасида борди-келдилар иккала вилоятнинг навбатига бир-бирларига дўстлик декадалари ўтказишларида қонунлаштирилганди. Аммо, негадир анча муддат бу декадалар тўхтаб қолди. Ўтган йили узоқ танаффусдан сўнг ниҳоят яна икки халқ вакиллари бир-бирларига ташриф буюришди...

Қизиғи шундаки, иккала вилоят ва Туркманистон Шўро Жумҳуриятининг Тошҳовуз вилояти ёшлари ўртасидаги байналмилал дўстлик учрашувлари тўхтамади, узвий равишда давом қилаверди. Бир гал Амунинг ўнг соҳилида, бир гал сўл соҳилида учрашдилар. Гоҳ кўҳна Урганчда, гоҳ қадим Хивада...

Булар вилоятларнинг учрашувлари. Қўшни ноҳиялар ўртасидаги борди-келдилар давомийлиги янада эътиборга лойиқ. Айтайлик, Дарғон ота ноҳияси ва Ҳазорасп, Тўрткўл ноҳиялари ўртасидаги, Дўстлик ва Ғазочақ шаҳарлари орасидаги тез-тез ўтказиладиган дўстлик байрамлари. Бу байрамлар турли миллат ёшларининг танишувлари, дард-муаммоларини ўртоқлашувларига кўмаклашади. Бир-бирларини яқиндан англаб бораверадилар.

Шовот ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Илҳомбой Иноятовни яхши кайфиятда учратдим. Билсам, хўжаликлардан биридаги комсомол-ёшлар бригадаси маррага етибди. Шунга қўшни Тошҳовуз вилояти Тозабозор ноҳияси комсомол қўмитасининг ташвиқот бригадаси ташриф буюраётган экан.

«Бу одатий ҳол, — дейди Илҳомбой. — Уларда қувончли саналар, байрамлар, бўлса бизлар борамиз, бизни табрик этгани улар келишади. Гарчи, вилоятлар, жумҳуриятлар бўлак бўлсада, тупроғимиз туташ заминда — яқин қўшнимиз. Ҳатто миллий чегараланишу, миллатимиз ёдга келмайди...»

Ўтган гал туркман заминида бўлган дўстлик учрашувида Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти комсомоллари сардори (собиқ) О. Абдумажидов «Шунчаки юз кўриш учун эмас, балки алоҳида ҳаракат дастури билан келдик» деганди. Ҳаракат дастурининг кўпгина бандларида доимий алоқалар, спорт мусобақалари ўтказиш, бир-бировга мадад гуруҳлари юбориш, санъаткорларнинг сафарларини ташкил этиш ҳақда сўз борарди.

Тадбирлар қоғозда қолиб кетмади. Амалдаги йилнинг ўзида учала қўшни вилоят ёшлари ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Куни кеча велопойга беллашувлари ниҳояланди. Санъаткорларнинг сафарлари ҳақида гапириб ўтириш ортиқча.

Ўтган йили Хивада байналмилал дўстлик клубларининг Бутуниттифоқ фестивали бўлиб ўтганди. Уч кунлик дўстлик учрашувларидан эсдалик бўлиб фақат суратлар қолгани йўқ. Иттифоқимизнинг бир қатор бурчакларидан ташриф буюрган ёшлар ҳамон хат олишади. Бир-бирларига ўз ҳаётлари, ишлари ҳақда хабар қилиб туришади...

Ўша учрашувда владимирлик ўқувчи қиз Ирина Воробьева «Мен қадим Хоразмдан дўстлар топиб кетаётирман», деганди...

Узоқ йиллар фақат ўрис халқи билан бошқа миллатлар ўртасидаги дўстликни, байналмилал муносабатларни улуғлаб, бош шиор қилиб келдик. Қони, тили, келиб чиқиши, яшаш макони бир бўлган халқлар дўстлиги ҳақда кам ёзилди, эътибор берилмади. Натижани қарангки, ошкоралик, халқ бошқаруви замонида қонли можароларнинг аксар қисми ўша халқлар ўртасида чиқди... Нега? Бу саволга жавоб топиш осон кечаётгани йўқ.

Аму соҳилидаги доимий учрашувлар уч туркий халқ вакилларининг дўстлик риштадари бузилмаганлигига кафолатми? Б саволни қўяётганимизга сабаб — Орол денгизи қуриб бориши, сув муаммосининг кескинлашгани айнан бир минтақада яшаётган аҳоли руҳиётига бир хил таъсир ўтказмоқда. Аммо, Москов қўшни учала вилоятга бир хил назар, кўз билан қарашни истамаяпти. Мухтор жумҳурият аҳолисига берилган имтиёзлар, моддий ёрдам — қўшни вилоятларга орзу. Яна баҳорги сув танқчиллиги пайти — ариқларда сув талашишнинг оқибатидан ҳамма вақт яхшилик кутиб бўлмайди. Тошҳовуз канали ишга туширилиши билан Хоразм заминида салбий ўзгаришлар бўлиши, ер ости сувларининг кўтарилиши, қадим Хива обидалари хавф остида қолишини айтаётган олимлар, мутахассислар бор. Лекин, канал қазилиши тўхтатилмади, у яқин муддатларда ишга тушиши керак.

«Ана унда кўрасизлар томошани, — деб қўлларини ишқалаб, қувонаётган кимсалар оз эмас. — Хоразмликлар туркманлар устига бош кўтариб борадилар. Хонлик давридаги сув учун рўй берган қирғинбаротлар яна авж олади....»

Ниятлари ёвуз кимсалар адашган бўлсинлар. Ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқлари — Амунинг қадим фарзандлари ундан сув ичиб, тирикчилик қилишаётган экан —ҳамма нарсани оқилона ҳал қилиш, бир-бирига ғаразгўйлик қилмасдан, муаммоларни биргаликда ечиш йўлларини ахтарсинлар...

Аму соҳилидаги доимий дўстлик учрашувлари иштирокчиларининг фикри доим шундай бўлиб келган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хушхабарлар

ҚЎШРАБОТ ноҳиясидаги «Пангат» ижара корхонасининг соҳибкорлари майиз ўраладиган чиройли қоғозлар олишди. Бу қоғозларни хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик Самарқанд уюшмасининг илтимосига биноан Ҳайдарободда (Ҳиндистон) ишлаётган қўшма «А энд эр» ҳинд-швед корхонаси етказиб берди.

Самарқандликлар фирма билан тузилган шартнома асосида ўзининг ниҳоятда шифобахш хусусиятлари билан ажралиб турадиган Қўшработ кишмишини ўраш учун 200 мингта қутича оладилар. Қўшма корхонанинг хизмат ҳақи хорижий мамлакатларда кишмиш сотилиши билан тўланади.

— Ҳиндистондан ўзаро фойдали шартномаларнинг бутун бир туркумини олиб келдик, — дейди мазкур уюшма раиси Ф. Аҳмаджонов. — Биз ана шу шартномаларга асосланиб, шифер ишлаб чиқарадиган корхона қуриш, кичик асфальт заводини ташкил этиш ниятидамиз.

* * *

БЎЗ ноҳияси марказидаги ғайратли ёшлар Шарқнинг қадим-қадимдан давом этиб келаётган шойи тўқиш анъаналарини тиклашга қарор беришди. Улар хонатлас тўқиб чиқарадиган «Наргиз» ишлаб чиқариш ширкатини ташкил этдилар.

Ширкатда ҳозирча ўн киши меҳнат қилмоқда, улар қўлбола дастгоҳларда ўзида камалақ жилолари акс этган хонатлас тўқишни ветеранлардан ўрганишди. Харидорлар хонатласга муносиб баҳо бердилар ва уни бажонидил сотиб олмоқдалар.

Бозор эҳтиёжини ҳисобга олган «Наргиз» ширкатчилари хонатласнинг янги турини ўзлаштириш ниятидадирлар. Хонатласга заррин иплар қўшиб тўқиладиган бўлади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таҳчил газламани тўқиб чиқаришга ишламаётган ёшларни ҳам жалб этишни мўлжалламоқда.

«Ҳожи Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг Шайхул машойиҳидур. Мақомоти олий ва машҳур, кароматн атавоми ва номаҳсур эрмиш. Мурид ва асхоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндур.

...Ва анинг мазори Туркистонда Ясси деган ердаки, анинг мавлуд ва маншандур воқеъ бўлибдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур».

Алишер НАВОИЙ.
(«Насоимул Муҳаббат»дан).

ЯССАВИЙ ҚАДАМЖОСИ

ОНА ТУРКИСТОН...

Амудан Сиргача, Қизилқумдан Оренбурггача. Бобатоғдан Каспий денгизигача. Сарҳадлар, қумликлар. Минг йиллардан буён сукут сақлаб келаётган мағрур тоғлар, бепоён пахтазор ва ғаллазорлар, бағрини темир из босган кимсасиз чўллар, қирғоғидан айри тушган, ўз халқида алами бор Орол. Буларнинг бари қачонлардир она Туркистон деб аталарди.

Она Туркистоннинг номи бугун қозоқ элининг бир бурчида янграйди.

Ўзбек диёрининг пойтахти Тошкент шаҳридан чиқилгач, узоқ юрмай Чимкент вилояти бошланади. Агар шаҳарга кирмай сўлга бурилсангиз, қадим карвон йўлларига қиёс қилиб солинган замонавий асфальт йўл сизни тўғри Туркистонга элтади. Бу юртни кўришни кимдир ўн беш йил, кимдир ўттиз йил, кимдир эса бир умр орзу қилади. Бу ерда бир бор бўлиш, мозийга бир бор нигоҳ ташлашдек хайрли ният билан биз ҳам йўлга отландик. Чимкент шаҳрига киргач, ҳамроҳлардан бири «Келинглар, зиёрат бутун бўлсин» деб қолди. Йўлни Сайрамга бурдик. Биз шу пайтгача исмини қўрқа-писа айтадиган, иложи борича унинг ким эканлигини эсламасликка ҳаракат қилган аждодимиз, тан ва руҳ озодлиги, поклигини баралла куйлаган XII аср шоири, сўфийлик таълимотининг энг илғор намояндаси Қул Хўжа Аҳмад Яссавий 1103 йилда ана шу ерда дунёга келди. Унинг падари бузруквори Иброҳим ота ва волидаси Қорасоч она шу ерга дафн қилинган экан. Тўғрироғи, бу ҳақда фақат ўқиган ва эшитган эдик. Мана бугун улар дахмасини зиёрат қиляпмиз. Иброҳим ота қабри шаҳарнинг тепа қисмида, Қорасоч она қабри эса қуйи тарафида экан. Сайрамлик ўзбеклар билан тез чиқишиб кетдик. Нон-туздан сўнг Туркистонга йўл олдик.

Бу йўллардан жаҳонгир Темур неча маротаба юрганлигини эслаймиз. Ҳеч ким аниқ жавоб қилолмайди. Ҳа, биз ўз тарихимизни ҳали жуда-жуда кам биламиз. Арис дарёсига яқинлашдик. Келинчак кокилидек тарам-тарам бўлиб оқмоқда. Бу дарёдан бобомиз неча маротаба кечиб ўтган эканлар? Яна жимлик. «Ана «Темурлановка» деди ҳамроҳлардан бири йўл четидаги тахтачага ишора қилиб. Бироз юрилгач йўлнинг икки четида жойлашган қишлоқ кўзга ташланди. Айтишларича, Амур Темур ҳазратлари ҳар сафар Самарқанд сарҳадидан ҳарбий юришга чиққанда қўшинни Туркистон сари бурарканлар. Хўжа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгач, яна манзил сари от суриларкан. Ривоят қилишларича, жаҳонгирнинг навбатдаги мағрур юришларидан бири, Хитойга мўлжалланади. Сафар 1404 йилнинг кеч кузига тўғри келади. Андижон орқали энг қисқа йўл бўлгани ҳолда сафар олдидан Яссавийни зиёрат қилиш мақсадида қўшин Туркистонга йўл олади. Туф деса музлагудек совуқ, навкарлардан бири жаҳонгирга арз қила бошлайди. Чунки бу пайтда қўшин Қозоғистон сарҳадига етиб келган, совуқ авжига чиққан эди. Кимдир қўшинни орқага буришни, кўкламгача фурсат кутишликни маслаҳат беради. Шунда фотиҳи олам ўз сўзини икки қилмасликни айтиб, изғирин совуқда ички кўйлак билан ўз чодиридан чиқади ва сартарошни йўқлайди. Бутун қўшин олдида чидаб бўлмас даражадаги аёзда сочини устара билан қирдиради. Изғирин суяк-суягидан ўтса-да, ўзини мағрур тутади. Буни кўрган қўшин ўз-ўзидан руҳланиб, сафарга тайёр эканлигини маълум қилади, лекин совуқ ўз ишини қилиб бўлган эди. Жаҳонгир қўшинлари Арис дарёсидан ўтиб, уч-тўрт чақирим юргач, унинг саломатлиги оғирлашади ва 1405 йилнинг февралида оламдан ўтади.

Гарчанд бу қадамжо неча йиллардан буён шу номда юритилиб келинаётган бўлса-да, «Темурлановка» сўзи бизни анча ажаблантирди.

Туркистонга яқинлашган сари Яссавий мақбараси гумбазини ким биринчи кўраркин, деган мақсадда машина ойнасидан узоқ-узоқларга тикиламиз. Етти соатлик тинимсиз йўлдан сўнг кеч соат 17.50 да улуғ мақбарага етиб келдик.

Ҳа, бу ўша, бундан 600 йиллар илгари жаҳонгир Темур буйруғи билан бунёд этилган Аҳмад Яссавий мақбараси. Мақбаранинг ўнг томонида нурай-нурай маълум бир қисми сақланиб қолган шаҳарнинг қалъа деворлари, чап тарафда Робия Султонбегим дахмаси. Ундан чапроқда эса масжид биноси ҳамда Хўжа Аҳмад Яссавий хилватхонаси жойлашган. Бу ерда раҳматлик Яссавий 63 ёшга етгач, ўз шогирдларига ертўла қаздирган эди. Мақсад, пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ёшидан зиёда умр кўришни ҳаром деб билиш, тан ва руҳнинг боқийлигини, ғойибдан келувчи кучнинг ҳақлигини исботлаш. У ана шу ер ости уйида ўз ҳикматларини яратди.

Субҳи содиқ душанба кун ерга кирдим,
Мустафога мотам тутиб кирдим мано.
Олтмиш учда суннат деди эшитиб билдим,
Мустафога мотам тутиб кирдим мано.
Алвидо, деб ер остига қадам қўйдим,
Еруғ дунё ҳаром қилиб, Ҳақни суйдим.
Зикрин айтиб, ёлғиз ўлиб, ёлғиз куйдим,
Мустафога мотам тутиб кирдим мано.
...Олтмиш кеча, олтмиш кундуз бир йўл таом,
Тонг отгунча намоз ўқиб, бир йўл салом.
Олтмиш учда бўлди умрим охир тамом.
Мустафога мотам тутиб кирдим мано.

Бу сатрларни Ҳазрат Яссавийнинг бундан юз йилча олдин Санкт-Петербургда нашр қилинган Ҳикматларидан келтираяпману, бобом раҳматлик Мутаҳҳархон Содиқхон ўғлини эслайман. У киши тунлари алламаҳалгача ҳикматларни қўшиқ қилиб ўқирдилар. Юзига фотиҳа тортарканлар, «Эй худо, бу бандаи покингни ўзинг раҳмат қилгин», дердилар, кўзлари ёшга тўлиб. Бобомга Туркистонга бориш насиб этмади. Билмадим, қатағон йилларининг қама-қамаларидан юраги безиб қолган яна қанча нуроний отахонлар, илм урфон аҳли бундай ният билан оламдан кўз юмди экан.

Яссавий ёруғ дунёни ҳаром билиб ер остига тушгач ушбу ертўла атрофида ул зотнинг оила аъзолари, шогирдлари, юзлаб дарвешлар яшай бошлайди. 1166 йилда тан ва руҳ поклиги учун зикр айтган Хўжа Аҳмад Яссавий оламдан ўтади...

Эртаси куни яна зиёратга бордик. Эрталаб соат 9. Сирдарё, Жиззах, Фрунзе, Навоий каби турли шаҳарлардан юзлаб зиёратчилар кела бошлади. Бугун бизга кеча кўришга улгурмаган хоналарни кўрсатишди. Айниқса, ўша даврда қурилган ҳаммом барчамизни ҳайратга солди. Кираверишда деворга илиб қўйилган буғ айланиш лойиҳаси ва ҳаммомга кирувчиларга араб тилида ёзилган эслатмага ишора қилар экан, экспозиция мудири Қидирбой Аристонбеков куйиниб шундай дейди:

— Ҳайронсан, китобларда, рўзномаларда туркий халқлар ўтмишда қолоқ, саводсиз бўлган, дейишади. Мана шу ҳаммомдан халқ 1979 йилгача фойдаланишди. Таъмирлашдан кейин яна фойдаланмоқчимиз. Буғ айланиш усулини қаранг. Қандай мураккаб-а. Менимча, саводсиз халқ қўлидан бундай мураккаб ишлар келмаса керак.

Биз бугун 1935 йилдан буён Ленинграддаги давлат эрмитажида сақланаётган, туркистонликлар интиқ бўлиб кутаётган, XIV асрда фотих Темурнинг шахсий кўрсатмаси билан етти хил қотишмадан тайёрланган қирқ қулоқли қозонни кўришга муяссар бўлдик. Зиёратчилар мақбарага кириши билан қозонга интилади, ундан тавоб олади. Кўнгилларидан чиқариб унинг ичига танга ташлайдилар. Ғойиб кучдан нажот сўрайдилар.

Қозон ўз хосхонасига жуда-жуда ярашиб турибди. Айтишларича, Туркистон орқали ўтувчи карвон учун унда доимо сув сақланган. Қозоннинг бўйи 162 сантиметр, эни 2 метру 42 сантиметр, оғирлиги 2 тонна, сиғими 3 минг литр.

Баҳайбат қозоннинг қаршисидаги ҳужрада Ҳазрат Яссавий қабри жойлашган. Кеча дахмани панжаралар ортидан зиёрат қилгандик. Қидирбой оғанинг кўнглига ўтиришиб қолдик шекилли, эшикдаги қулфни очиб ичкарига кириш бахтига ҳам муяссар бўлдик.

Ҳа, мана шу кўркам, бундан 600 йил илгари Темур шу зоти покнинг ҳурмати учун Ҳиндистондан келтирган мармар қабр тош остида Ҳақ, ҳақиқат деб ҳайқирган инсон мангу уйқуда ётибди.

Бешак билинг бу дунё, барча элдин ўтаро.
Инонмагин молингга, бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она қариндош қаён кетди фикр қил,
Тўрт оёқли ёғоч от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, Сирот узра тутаро.
Аҳлу аёл қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қул Хўжа Аҳмад тоат қил умринг билмам неча йил,
Аслинг билсам об ва гил яна гилга кетаро.

Биз инсон дунёга келиб кетувчи маҳлуқлар (инсон ва барча мавжудотлар маҳлуқлар деб юритилган — Ш. М.) ичида энг қисқа умр кўрувчи ва энг оғир ҳаёт синовларини ўз зиммасига юкланганлигини унутиб қўйдик. Ўз орномусимизни, қадр-қимматимизни мол-дунёга алмашмоқдамиз. Темир тақинчоқлар учун, сохта обрў орттириш учун мол-дунё сарфлаш бизга одат бўлиб қолди. Гўёки, дунёга мангу устун бўладигандек сезамиз ўзимизни. Ўтмишда аждодларимиз умрини илмга, маърифатга, яхшиликка, буюк кашфиётларга сарфлашган. Бугун биз улар тутган йўлга тамоман тескари йўналиш бўйлаб боряпмиз. Таъмагирлик, порахўрлик, бировга озор етказиш қон-қонимизга сингиб кетгандек гўё. Ҳазрат Яссавий бундан саккиз аср муқаддам шуларга башорат қилмаганмиканлар?

...Халқи элдин меҳру-шафқат кетди дўстлар.
Улуғ-кичик ёронлардан адаб кетди,
Қизи-жувон заифлардин ҳаё кетди.
«Ал-ҳаё минал имон» деб Расул айтди.
Ҳаёсиз қавм ажойиблар бўлди дўстлар.

Бугун қайта қуриш жараёни беш ёшга тўлди. Ана шу янгиланиш йилларида халқлар ўзлигини англаш сари дадил қадам ташладилар. Эркинлик, ошкоралик, демократия сўзлари кунлик таомилимизга айланди. Бироқ бугунги тинч замонада мотам кунлари эълон қилиш, мамлакатнинг фалон ерида бош кўтарган халққа қурол ўқталиш, қон тўкиш, дини, имони, эътиқоди бир, неча йиллардан буён қуда-андачилик қилиб келаётган икки элни бир-бирига душман қилиб қўйиш, неча ўн йиллик қишлоқдошларнинг бир-бировига пичоқ, ўроқ, милтиқ ўқталиши, бир-бирини жароҳатлаши, қурбон қилиши ҳам оддий ҳолга айланмоқда. Дастлаб, ажабландик, ачиндик, кўзга ёш олдик, уялдик, тавба дедик, энди дийдамиз қотмоқда. Озар ва арман элида қон тўкилди, Фарғона воқеаларидан сўнг тожик биродарларимиз ўз тупроғида шаҳид бўлдилар. Бўка ва Паркентда ҳам шаҳидларга жанозалар ўқилди. Ўнлаб оналарнинг бағри куйиб қолди. Отанинг сочларига эрта оқ оралади. «Буйруқ берган ким?» деб ўз-ўзимизга жавобсиз саволлар беряпмиз. Ўқ отганлар балки айшу-ишратдадир. Балки, ғаламислар яна навбатдаги фитнага тайёргарлик кўрмоқда. Балки, ўқ отганларнинг елкасидаги юлдузлар яна биттага кўпайгандир...

Мусулмон — мусулмонга ўлди қотил.
Ноҳақ тутиб Ҳақ ишларин қилди ботил.
Мурид пирға қилмадилар юзу хотир.
Ажаб шумлиқ замоналар бўлди дўстлар.
Аҳлу дунё халқимизда саховат йўқ!
Подшоҳлару вазирларда адолат йўқ!
Дарвишларнинг дуосида ижобат йўқ!
Турлик бало халқ устига ёғди дўстлар!
Охирзамон олимлари золим бўлди,
Хушомадни айтгувчилар олим бўлди,
Ҳақни айтган дарвешларга ғаним бўлди,
Ажаб шумлиқ замоналар бўлди дўстлар!
Қиёмат кун ёвуқ етди қолғони йўқ,
Қул Аҳмадни айтган сўзин ёлғони йўқ,
Ўз-ўзига бир насиҳат қилғони йўқ,
Насиҳатин халққа айтиб кетди дўстлар, —

деганида Яссавий наҳотки бугунги кунларимизга ишора қилган бўлса.

Дахмани зиёрат қилиб ҳужра эшигидан чиқар эканмиз бир тўлғониб тушдик. «Икки аср ярим дунёни зир қақшатган» жаҳонгир Темур туғи турарди бу ерда. Беихтиёр унга қўл чўзамиз. Туғнинг узунлиги саккиз метр. Туғ учидаги кумуш қуйма оғирлигининг ўзи 6 килограмм экан. Бу туғни жангма-жанг, юртма-юрт кўтариб юрган аждодларимиз нақадар соғлом ва бақувват бўлган экан-а, деган ҳайратомуз фикр хаёлимиздан ўтади.

Яссавий дахмаси қўйилган ҳужрада ҳам, унга ёнма-ён жойлашган дарвешлар зикр тушган масжид ҳужрасида ҳам бизни ҳайратга солган ҳодисалар кўп бўлди. Бу ҳар иккала ҳужра деворларининг нақш баргларидаги олтин қуймалар қўпориб олингани ва гумбазлардаги нақшлар, Қуръон оятлари кўчириб ташланиб, оққа бўялгани эди. Бу хунрезликлар қачон ва ким томонидан юз берган дерсиз?

Маълумки, 1864 йилда чор Россиясининг генерал Черняев қўмондонлик қилган подшо армияси Туркистонни забт этиш ниятида шаҳарга ҳужум бошлайди. Туркистонликлар жонажон шаҳарни осонликча босқинчиларга топширмоқчи эмас эди. Шу сабабли қаттиқ жанглар кетади. Шаҳар дарвозасини очиш учун Черняев аскарлари қанчалик тинимсиз ўқ ва тўп ёмғирлари ёғдирмасин, қалъага кира олмайдилар. Қалъа ҳимоячилари Яссавий мақбарасига беркинишади. «Масжид муқаддас жой, ахир уларда ҳам ибодатхона муқаддас-ку» деган хаёлда Яссавий муридлари ва шогирдлари ул зот вафотидан кейин ҳам ўнлаб йиллар Тан ва руҳ озодлиги учун зикр тушган масжид ҳужрасида жон сақламоқчи бўладилар. Оддий қамалдан иш чиқмаслигини билган полковник Веревкин айнан масжид устидаги гумбазга қарата тўпдан ўқ узишга буйруқ беради. Ана шу отишмада Яссавий мақбарасининг ўн бир жойига қаттиқ шикаст етади. Қалъа ҳимоячилари Яссавий мақбарасини омон сақлаб қолиш мақсадида шаҳар дарвозасини очадилар. Мақбара устидаги гумбаз эса тўп ўқларидан тамоман вайрон бўлади. У ҳозир қолган икки гумбаздан етим қўзидек ажралиб, Веревкиннинг ғазабнок буйруғидан ҳалигача инграмоқда.

Табиийки, қўшинлар шаҳарни забт этгач, ушбу кошонада Черняев ҳам, полковник Веревкин ҳам истиқомат қилишган. Масжид ва Яссавий дахмаси жойлашган ҳужраларни рус ибодатхоналарига мослаштириш фикри Туркистонни забт этган янги ҳукмдорлардан чиқмаганмикан? Деворлардаги олтин қуймаларни чор Россиясининг Туркистон ерларига, унинг жаннатмакон боғларига маҳлиё бўлган генерал ва солдатлари ўйиб олмаганига ким кафолат бера олади?

Мақбара қаршисида қурилган Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараси 1898 йилда бузиб ташланиб, унинг ғиштлари шаҳар қурилишига ишлатилади. Бугун ана шу мавзолейда ҳам қайта таъмирлаш ишлари кетяпти. Лекин асл ҳолига қайтара олишармикан? Яссавий мақбарасининг қайтадан тикланган олди қисмида икки минора қад кўтарган. Маълумки, қадимдан минора фақат азон айтиш учун қурилган. Лекин бу муқаддас мақбарадаги ҳар икки минора ҳам шаҳарни ҳимоя қилиш мақсадида қурилганлиги унинг жанглардаги ҳимояга мослаштирилган деворларидан шундоқ кўриниб турибди. Бу ҳам балки янги ҳукмдорлар дидига мос тушгандир.

Эндиликда ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Атамалар гуруҳи иш олиб боряпти. Кўча ва даҳалар номи ўзгартирилмоқда. Менимча, Туркистондаги шундай улуғ мақбара таноззулига «ҳисса» қўшган, чор Россиясининг «ҳурматли саркардаси» номидаги Черняевка посёлкаси номини бекор қилиш лозим. Албатта, бу ҳудуд жиҳатидан Қозоғистонга қарашли. Балки ана шу қўшни жумҳурият раҳбарларига расмий хат юбориш лозимдир. Биз бугун босқинчиларга эмас, халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиларига ҳурмат бажо қилмоғимиз керак.

Ўғли Афғонистонда шаҳид бўлган онаизор ижроқўм эшигидан нари кетолмайди. Кўнгли синиқ ота ўз ўғли номига кўча қўйдиролмай, тўғрироғи берилган ваъдага муҳр бостиролмай овора. Ўзбекистоннинг пойтахтидаги юзлаб кўчалар эса ҳамон асли наслини сиз билан биз билмайдиган кимсалар номида. Қоғоздаги рақамлар эса кўпаймоқда, йиғинларда атамалар комиссияси фаол ишлаётганлиги расмий овоза қилиняпти. Кўчалар, хиёбонлар чор Россиясининг машҳур генераллари, шаҳид пиёдалари, зиёлилари номида.

Биз учун охирги мўъжиза бу ердаги тўққиз хонадан бирида юз берди. Бу қудуқхона эди. Қидирбой оға марҳамати билан Ҳазрат Яссавий ва бобомиз Темур ўз чанқоқликларини қондирган сувга лаб теккиздик.

Туркистон ерларидан узоқлашаяпмиз-у, мезбон Қидирбой оғанинг куюниб гапирган сўзларини эслаймиз: «Яссавий ҳаммамиз учун улуғ. Бу ерга ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, тожик ва қирғизлар, ёз ойларида эса хориждан ўзбеклар ҳам келишади. Мен Туркистон деганда бутун туркий халқларни тушунаман. Болаларимга ҳам бу каломни қайта-қайта уқтираман. Сизлардан илтимос, ўзбекистонлик ижодкорларга, зиёлиларга етказсангиз. Яссавий учун ҳаммамиз бирга ишга киришсак. Қаранг, мақбаранинг аҳволи нима ҳолда. Ертўланинг таъмирланиши суст кетаяпти. Қалъа деворларини сақлаб қолишимиз керак.

Яссавий ҳикматларини, унинг мақбараси ва умуман Туркистон тарихи тўғрисида тўлиқ тасаввур берувчи китобни нашрга тайёрлашимиз лозим. Китобни барча туркий халқлар ўз она тилларида ўқий олсин. Ҳозирги сайёҳларга сотилаётган инглиз ва қозоқ тилларидаги Нурмуҳаммедов таҳрири остида чиққан китобдаги манбалар ўқувчига етарли маълумот беролмайди. Ўйлайманки, ўзбек биродарларимиз бу эзгу ниятларга қўшилишади».

Биз ҳар эҳтимолга қарши Қидирбой оғага жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмасининг манзилгоҳи ёзилган қоғозни қолдирдик. Эҳтимол яқин орада Туркистондан расмий хат ҳам келар. Балки ўнлаб ҳайрия ҳисоблари қатори Туркистонда ўз фарзандлари дуосига муҳтож бўлиб ётган Яссавий ҳазратларининг мақбарасини таъмирлашга кўмак ҳисоби ҳам очилар.

Мақолага сўнгги нуқта қўяр эканман, яна Яссавий ҳикматларини варақлайман. Бугун меҳр-шафқатга, диёнат ва имонга муҳтож фарзандларидан яхши дуога, хайрли ишларга кўз тутиб ётган Яссавий ер остига кириб йиғлаб дуо қилганда юз карра ва минг карра ҳақ эдилар. Тан ва руҳнинг озодлиги, поклиги ҳам ана шу дуо билан баркамол бўлган бўлса ажаб эмас.

Раҳматингдан ноумид қилма мен ғарибни,
Ором олмай йиғлаб дуо қилай сенга.
Кечалари бедор бўлиб тонг отгунча,
Юммай кўзим, йиғлаб дуо қилай сенга.
Даргоҳингга энди келиб белим боғлаб,
Жон куйдириб, юрак-бағрим тутиб доғлаб,
Ёқам тутиб, ўтган ишга чандон йиғлаб,
Ихлос билан йиғлаб дуо қилай сенга.
Кўнгил боғи Сиз экан-да, билмай юрдим,
Умрим гули ҳазон бўлди энди туйдим.
Дунё ташлаб дин йўлига қадам қўйдим,
Ҳазор достон йиғлаб дуо қилай сенга.
Бу йўлларда жонни асраб бўлмас эрмиш,
Жон асрагон бу йўлларга кирмас эрмиш.
Суди зиён бўлғонини билмас эрмиш,
Бу ҳол бирла йиғлаб дуо қилай сенга.
Қул Хўжа Аҳмад нафс тоғидин чиқиб ошди,
Фанопилло мақомига ёвуқлашди.
Юрак бағрим жўш урибон қайнаб тошди,
Бу ҳол бирла йиғлаб дуо қилай сенга.

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли.

Хориждан хабарлар

«Жиноятчилар ғалаба қозонишди»

НЬЮ-ЙОРК. 80-йилларда АҚШда энг катта шов-шувга сабаб бўлган, ирқчилик негизида содир этилган қотиллик билан боғлиқ суд ишининг сўнгги саҳифасига нуқта қўйилди. Нью-Йоркнинг Куинз ноҳияси суди уч нафар ёш оқ танли америкаликни уч йил муддатга шартли қамоқ ва яшаш жойида мажбурий ижтимоий-фойдали меҳнат қилиш жазосига ҳукм қилди. Илгари улар 1986 йил декабрь ойида Куинз ноҳиясининг оқ танлилар яшайдиган Говард-Бич деган жойида содир этилган, уч нафар қора танли америкаликка «қароқчиларча ҳужум иштирокчилари» сифатида айбдор деб топилган эдилар.

Ўша куни тасодифан Говард-Бичга бориб қолган уч нафар негр бейсбол ўйнайдиган таёқлар ва кастетлар билан қуролланган оқ танли йигитлар катта гуруҳининг эътиборини тортди. Дастлаб ирқчилар қора танлиларни шунчаки ҳақоратлай бошладилар, кейин эса ўз қуролларини ишга солдилар. Уларнинг икки нафарини калтакладилар, учинчиси — 23 ёшли Майкл Гриффит қочиб қутулишга уринди. Лекин таъқиб этаётганлар уни автомобиллар кўп қатнайдиган йўл томон қувиб бордилар. Бу ерда уни автомобиль уриб юборди ва у ҳалок бўлди.

Говард-Бичдаги жиноят бутун мамлакат негр аҳолисининг норозилиги ва ғазабини уйғотди.

Жиноят иштирокчиларининг айбини исботлаш қийин эмасдек кўринган эди — Грифитни шунчаки машина уриб юборгани йўқ — уни ўлдиришди, уни фақат қора танли бўлгани учун ўлдиришди. Бироқ иш тўрт йилга чўзилди. Дастлабки суд иши 1987 йилда бўлди. Бу судлов кенг ошкор этилиб, ирқчилик негизидаги қотилликнинг уч нафар иштирокчиси узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Зарур натижага эришилди — матбуот адолат қарор топганлиги тўғрисида ёзди ва норозиликлар сусайди.

«Менимча, ушбу суд ишида жиноятчилар ғалаба қозонишди», — ҳалок бўлган Майкл Гриффитнинг акаси Кристофер тўрт йил давом этган судлов якунларига ана шундай изоҳ берди.

(ТАСС).



БУЛҒОРИЯ. Пловдивдаги ёзув машиналари заводи қошидаги «Бултекс» корхонаси «Ранк-Ксерокс» фирмаси билан ҳамкорликда нусха кўчирувчи машиналар ишлаб чиқармоқда. Фирма аслидан сифатли кўчиришда дунёга машҳур.

БТА—ТАСС сурати.

«ФОРЧУН» ОЙНОМАСИ АҚШДАГИ БАДАВЛАТ КИШИЛАРНИНГ РЎЙХАТИНИ ТУЗДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Эшитган одамни кўпинча лол қолдирувчи бойлик Америка жамиятида қандай тақсимланган? АҚШда ким чинакам бадавлат одам ҳисобланади ва бу туб орзуга кўпчилик интилармикан? Шу саволларнинг айримларига нуфузли «Форчун» ойномасининг сўнгги сонидан жавоб топиш мумкин. Бу ойноманинг ўзини ҳам «Бойлик» деб таржима қилиш мумкин.

Ойноманинг гувоҳлик беришича, мамлакатда ҳозир 58 нафар миллиардер бор. Бойлиги камида миллион долларни ташкил этадиганларга келганда эса, бундай одамлар сўнгги маълумотларга кўра, 1,6 миллион кишини ташкил этади. Тўғри деб таъкидлайди ойнома, бойлар тўғрисидаги тушунчанинг ўзи бир неча ўн йил ичида ўзгарди ва баъзилар ҳашаматли ҳаёт кечириш учун миллион доллар камлик қилади, деб ҳисобламоқда.

Лекин ҳар қалай америкаликлар ўртасида сўнгги бир неча ўн йил ичида миллионер бўлишга интилиш сусайгани йўқ, чоғи. Чунончи, деб таъкидланади мақолада, жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига кўра, АҚШ фуқароларининг 88 фоизи хаёлпарастликдан йироқ бўлган бизнинг давримизда ҳам йўқ жойдан йўндириб бойиб кетиш мумкин деб, ҳисобламоқда. Фикри сўралганларнинг 74 фоизи ўз фарзандлари анча яхшироқ ҳаёт кечиради, деб ишонмоқда. Бу фикрга, афтидан, болалар ҳам қўшилмоқда. Америкаликларнинг аксарияти — 52 фоизи, деб ёзади «Форчун» ойномаси, айниқса навқирон ёшлик даврларида, ҳали 30 ёшга етмаган пайтларида фикр-хаёллари бойлик орттириш бўлиб қолади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БОШ КИЙИМИ МУЗЕЙИ

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Шаффхаузен шаҳрида яшовчи Бертольд фон Траутсбах исмли киши ўз уйида антиқа музей ташкил этди. Касби электромеханик бўлган Бертольд мана, бир неча йилдирки, ўт ўчирувчиларнинг бош кийимини йиғади. Бугунги кунда унинг музейида жаҳоннинг 41 мамлакатидаги ўт ўчирувчиларнинг 182 бош кийими бор.

ГЎЗАЛЛИК КОНКУРСИГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

● КЕЙИНГИ вақтда Гўзаллик конкурсини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Лекин, у ҳаммага ҳам ёқавермаяпти. Баъзи бир кишилар мусобақани ўзларича таҳлил этсалар, бошқалари очиқдан-очиқ бу конкурсдан воз кечиш кераклигини айтмоқдалар, ҳаттоки унга қарши намойишлар ҳам ўтказилмоқда.

Токиолик жамоат арбоби Мицуи хоним ҳам Гўзаллик конкурсини батамом йўқ қилиш керак, деди. Журналистлар кўринишн ниҳоятда жозибали бу аёлдан: «Нега конкурсга қаршисиз?» деб сўрашди. Маълум бўлишича, Мицуи хоним яқинда ўтказилган Гўзаллик конкурсида қатнашиш истагини билдирган, лекин, турмуш қурганлиги сабабли уни қатнаштиришмаган. Бундан Мицуи хоним қаттиқ хафа бўлибди. Ахир, ғолибни яхшигина пул мукофотидан ташқари, жаҳоннинг турли мамлакатларига саёҳат ҳам кутарди-да.

ЎЙИНГОҲ СОТИЛМОҚДА

● БУ ДУНЁДА мўмай даромад шайдолари нималарни ўйлаб топишмайди, деб ўйларсиз? Бунга мисол қилиб, футбол бўйича жаҳон биринчилигининг финал ўйини ўтказилган Римдаги «Олимпико» ўйингоҳини келтириш мумкин. Лекин, ўйингоҳнинг ҳаммасини эмас, балки ГФЖ ва Аргентина терма командалари биринчи ўрин учун курашган кўм-кўк майдонгина савдога қўйилди. Майдоннинг ҳаммаси 306 мингга бўлиниб, ҳар бири 110 минг лирдан сотувга чиқарилди. Италияда бу «қимматбаҳо буюмни» сотиш учун 30 мингта дўкон очилган бўлса, ГФЖда атиги 8 мингта шундай дўконча очилди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Умуман, тан олишим керак, де Голль мени мафтун этган эди. Ҳозир ҳам у жаҳонда энг машҳур шахс эканлигини яқинда «Литературка»дан қониқиш билан ўқиб билдим (сўралганларнинг 97 фоизи уни буюк инсон, деган фикрни айтган).

Мен Парижга 1947 йилда, 1951 йилда, 1968 йилда борганман ва ҳар гал фарангларнинг де Голлга нисбатан муносабатини кузатганман. Бу муносабат гарчанд бир тусда бўлмаса-да, аммо алоҳида тарзда акс этиб турарди.

Де Голль давлатни бошқариб турган кезларда биз биринчи марта ҳукумат аъзолари даражасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага имзо чеккандик. Бу капиталистик мамлакат билан тузилган шундай шартномаларнинг дастлабкиси эди. Эсимда, ўша пайтда Марказий Қўмитада Франция бундай битимга рози бўлишига ишончсизлик билан қараш мавжуд эди. Аммо мен соғлиқни сақлаш вазири сифатида бунинг учун бутун куч-ғайратни аямаслик кераклигига қаттиқ ишонардим. Францияда ҳам тиббиёт юксак даражада кўтарилган ва биз бундай ҳамкорликдан озмунча манфаат кўрмас эдик. Негадир айнан шу де Голлга умид боғлагандим. Ички туйғуларим мени алдамади.

Мен шартнома лойиҳасини тайёрлаб ва биз уни ўзимиз билан олиб, Парижга парвоз қилдик. Бизни Франция Ички ишлар вазирлиги вакиллари кутиб олишди. Лекин, шартнома тузмоқчи эмасликлари илк суҳбатдаёқ маълум бўлди. Улар ҳатто лойиҳа ҳам тайёрлашмаган эди. Бизнинг таклифларимиз эса найза билан қаршиландилар, ҳамкорлик тўғрисидаги менинг илтимосларим бирорта бандни қўллаб-қувватламадилар.

Ва тўсатдан, атиги бир кундан кейин, кескин ўзгариш содир бўлди. Нанники, бизнинг таклифларимиз билан де Голль қизиқиб қолибди. У менинг лойиҳамни ўқиб чиқиб, шундай деди: «Тиббиёт бўйича шартнома тузиш лозим, бу ҳар икки мамлакат учун фойдалидир».

Зудлик билан иккинчи кенгашга йиғилдик ва Франция ички ишлар вазирлигида тантанали равишда шартномага имзо чекдик. Де Голль бизнинг шарафимизга тушлик берди. Ва шундай қадаҳ сўзлари айтди: оталари шифокор бўлган вазирлар учун ичаман! Стол атрофида бундайлардан уч киши эдик: мен, академик Криллин ва Франция ички ишлар вазири Дебре. Чамаси, бизнинг таржимаи ҳолимиздаги бу фактдан де Голль хабардор эди.

Биз у ССЖИга ташриф этган кезларда ҳам мулоқотда бўлганмиз. Де Голль Москва ва Волгоградга ташриф буюрганда, шифокорларимиз даволовчи врачи билан биргаликда уни кузатиб боришди. Профессор Ефуни Франция президенти даволовчи врачига ҳазиллашиб, эркаклар саломатлиги ҳолатининг маълум даражадаги кўрсаткичи — вино ва аёлларга унинг мижози қандай муносабатда эканлигини сўради. Даволовчи врач ҳам шунга яраша ҳазил билан жавоб қилди: «Президентимизми оҳ-ҳу! У қизил вино ичади ва гўзал аёлларга қарашни яхши кўради!».

Ана шу ҳаётни севувчи инсон, туғма раҳбар, жасур генерал, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамони, аввалгидек ишлай олмаслигини англаб етгач, ўз хоҳиши билан мамлакат президенти лавозимидан истеъфога чиқиш учун ариза берди. Унинг ўз Франциясини олдидаги масъулият ҳисси жуда кучли эди. Ваҳоланки, жаҳон тиббиётининг барча ютуқлари унинг хизматига шай турарди.

— Борис Васильевич, сиз Кремлевка деб аталувчи махсус касалхонада ишлагансиз. Ҳозир ҳукумат аъзолари учун хизмат қиладиган касалхонани ёпиш тўғрисида кўп гапиришяпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳукумат деганда, улкан ва тобора кенгайиб бораётган фирқа ва давлат аппаратини, унинг барча хизматчиларини тушуниш бошқа, муайян шахслар — Горбачев, Рижков, Ельцин... деб тушуниш бошқа. Агар гап бюрократик кибарлар қатлами учун махсус касалхоналар тўғрисида кетаётган бўлса — салбий, агар гап Горбачев, Рижков, Ельцин ва ҳукуматнинг айрим бошқа аъзолари тўғрисида кетаётган бўлса — ижобий. Ҳар қандай тараққийпарвар давлатда жамият ўз раҳбарларининг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш учун жиддий ёндашади. Бу на имтиёз ва на рағбатдир. Бу қабул қилинган норма. Америка, Франция мамлакатлари раҳбарлари саломатлигини муҳофаза қилиш нақадар ажойиб тарзда йўлга қўйилганини сиз яхши биласиз.

Мамлакатимизга де Голль ташрифи олдидан бизга Франциядан махсус равишда президентнинг даволовчи врачи етакчилигида тиббий комиссия келди. Фаранг шифокорлари бизнинг хирургиямиз, реанимациямизни синчиклаб кўздан кечирдилар. Волгоградга бориб, у ерда ҳам хирургия ва реанимация ҳолати билан танишдилар. Ва буларнинг ҳаммасини олдиндан кўриб чиқдилар.

Де Голль Москвага учиб келгач (табиийки, даволовчи врач ҳам у билан бирга эди), қўққисдан зарурат туғилиб қолгудек бўлса, қўйиш учун президент билан бирга Париждан контейнер тўла қон ҳам келтиришди.

— Яқинда Борис Николаевич Ельцин тушган машина билан юз берган ҳодисага бевосита мен ҳам гувоҳман. Мен у билан ёнма-ён яшайман ва у ишга қандай кетишини тез-тез кўраман. Айни ўша куни мен Горький кўчаси бурчаги ва Александр Невский муюлишида тургандим. Ҳаммасидан ҳам мени махсус тиббий ёрдам машинасининг унчалик шошилмагани ҳайратга солди. Яхшики, ҳаммаси бешикаст тугади. Ваҳоланки, бу ерда гап Россия раҳбари устида борар эди.

— Яна қайтариб айтаман, тараққий этган давлатларда раҳбарларни эҳтиёт қилишади.

Мен ўзим гувоҳи бўлган, мамлакатимизга Никсоннинг келиши билан боғлиқ бир мисолни келтираман.

АҚШ президенти ташриф билан бизга келиши арафасида унда тромбофлебит (вена қон томирларига тромбаларнинг тиқилиб қолиши) борлиги аниқланди. Бироқ барибир у Москвага учишга қарор қилди.

Амриқодан олдиндан бир гуруҳ врачлар учиб келишди. Амриқолик шифокорлар бизда ўпка эмболияси (Никсон шу касаллик билан оғриганди) қандай даволанишини ўта синчковлик билан ўрганишди. Бу масалада биз дунёда энг олдинги ўринларда эканлигимиз маълум бўлди. Фақат шундан кейингина врачлар Никсоннинг мамлакатимизга келишига розилик билдиришди. Худди де Голль билан бўлгани каби АҚШ президенти билан биргаликда қўйиш учун қон тўла контейнер ҳам келтирилди.

Мен Никсонни аэродромда кутиб олдим. Сўнгра қабулларда бақамти келдик. Ўшанда Москвада ССЖИ ва АҚШ ўртасида соғлиқни сақлаш бўйича шартнома имзоланди.

Ҳадемай, Амриқода, шўро делегациясининг Вашингтонга сафари чоғида Ричард Никсон билан яна бир марта учрашиш насиб этди. Биринчи гал мен Никсонни у АҚШ вице-президенти сифатида Кардиологларнинг II Халқаро конгреси делегатлари — врачларни қутлаганида кўргандим. Съезд Вашингтонда ўтган бўлиб, делегатлар орасида мен ҳам бор эдим.

Ўшанда ёш Никсон менга ҳаракатлари кескин боксчига, спортчига ўхшаб туюлганди. Йиллар ўтиши билан у юмшоқроқ, хотиржамроқ бўлиб борди. Унинг 1972 йили Москвага сафарида мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

Мана ниҳоят — яна бир учрашув. АҚШ президенти бизни Оқ уйга суҳбат учун таклиф этди. У мени бунчалик қизғин кутиб олишини кутмагандим. Қўл узатиб, залдан бирмунча юқорида кўзга яққол ташланиб турган чоғроқ диванга бошлаб борди. Биз узоқ суҳбатлашдик. Мамлакатимиз ўртасида тиббиёт бўйича алоқаларни бошлаб берган амриқолик жарроҳларни эслашдик. (Никсон уларни шахсан танир эди). Никсон соғлиқни сақлаш бўйича АҚШ ва ССЖИ ҳукуматлариаро битимга катта эътибор билан қарар эди. Айниқса, уни юрак-томир ва рак касаллигини даволашдаги ҳамкорлик қизиқтирарди. Дарвоқе, битимни янада кенгайтириш, шартномага грипп, артрит, ўпка ҳасталиклари муаммолари устида ҳамкорликда ишлашга тааллуқли бандларни киритишни маслаҳат берган киши ҳам айнан шу Никсон эди. У одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига жиддий ғамхўрлик кераклигини уқтириб ўтди.

Хайрлаша туриб, Никсон авваламбор Брежневга сиҳат-саломатлик тилади ва ўз тилагини албатта етказишни илтимос қилди. Менинг назаримда, бу шунчаки мулойимгарчилик эмас эди. Оғир операцияни бошидан кечирган АҚШ президенти давлат раҳбари учун соғлиқ қанчалар муҳим эканлигини жуда яхши биларди.

— Тиббиётда давлат раҳбари саломатлиги ҳолатига оқилона талаб деб қўйиш мумкин бўлган мезон мавжудми?

— Аниқ ишлаб чиқилган қоида йўқ ва ўйлашимча, бўлиши ҳам мумкин эмас. АҚШ матбуоти бу масалага ҳамиша кўп эътибор қаратади. Мабодо давлат раҳбари касал бўлса ёки операцияга ётса, рўзномалар бу ҳақда муфассал ҳисоботлар бериб туради. Агар раҳбарда ўз саломатлигига путур етказувчи бемаъни одат бўлса, жамоатчилик дарҳол бунга ўз салбий муносабатини билдиради. Масалан, Картерни сайлаётганларида у наша чекканми йўқлиги масаласи махсус мунозара қилинган эди.

— Биз бу масалада алоҳида мамлакатмиз. Доҳий уйқусизликка йўлиққани учун ҳам барча даражадаги раҳбарлари тунлари ишлайдиган бошқа бир давлатни тасаввур қилиш қийин. Сталин даврида эса, айнан шундай бўлганди, ҳатто мажлисларни ҳам тунга белгилашарди. Халқ комиссарлари, завод директорлари, рўзномаларнинг бош муҳаррирлари ўз иш хоналарида мудраб ўтиришса-да, аммо доҳийнинг тунги қўнғироғи уларни шу жойидан топсин учун уйларига кетмасдилар.

— Бу давлат раҳбари саломатлигининг ҳолати мамлакатни бошқаришга қандай таъсир этишига яна бир исботдир. Раҳбар баркамол соғлом одам бўлиши керак. Агар у оғир азобда қолган бўлса, ўзининг тузалмас хасталигини билса, қисматнинг адолатсизлигидан қаҳри ортади, унинг қарорлари ҳам холис бўлмайди.

— Шол-фалаж Рузвельт қандай президентлик қилган?

— Мен давлат раҳбари саломатлиги ҳолатига талаб деб қўйиш мумкин бўлган аниқ мезон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини юқорида айтиб ўтдим. Истисно ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Рузвельт — ёрқин, истеъдодли шахсдир. Уни амриқоликлар жуда қаттиқ севишарди. Лекин унинг президентлиги бундан мустасно. Мамлакат тепасида ҳар қалай фаол, соғлом одамни кўришни истайдилар. Ғарбда президентнинг ўзига қараб юришини, спорт билан шуғулланишини, кун тартибига риоя қилишини табиий ҳол, деб тушунадилар.

— Яқинда «Пари матч» мухбири Горбачевга «Кун тартибига риоя қиласизми?» деб сўради ва шундай жавоб олди: «Менинг кун тартибим — ҳеч қандай кун тартиби эмас».

— Нима, сиз буни давлат бошлиғининг ўз саломатлигига нисбатан мақтовга лойиқ муносабатда бўлиши, деб ўйлайсизми? Гарчанд Михаил Сергеевич яқин йиллар ичида ўйлаган режаларини якунлаш учун саломатлигим етади, деб ўйласа-да, мен кекса врач, жарроҳ сифатида, қишлоқ врачининг ўғли сифатида унга ҳар қалай кун тартибига риоя қилишни маслаҳат берган бўлардим. Агар Горбачевнинг даволовчи врачи бўлганимда, Президентимизга дам олишни чала қолдириб, ишга чиқишга йўл қўймасдим. Михаил Сергеевич эса бир неча марта шундай қилди.

Муваффақиятли ишлаш учун яхши дам олишни ҳам билиш керак. Мамлакат раҳбари дала ҳовлиси билан Кремль ўртасида қоғоз кўтарган чопарлар бўзчининг мокисидек қатнаб турса, давлат ташвишларидан, доимий масъуллик туйғусидан бутунлай ҳоли бўлиш имкони бўлмаса, бу дам олиш эмас. Менимча, Президентнинг ҳукуматда унинг йўналишини ўтказадиган ва у мутлақо ишонадиган ўз кишиси, шунингдек, айни вақтда, чиқарган қарорларини танқидий баҳолаш ва уни қўллаб-қувватлаш учун янги-янги далил-исботлар топишга мажбур қиладиган муҳолифи ҳам бўлиши лозим.

Шу билан бирга муваффақиятли ишлаш учун зарур шарт-шароит, давлат раҳбари саломатлигига гаров ҳам даркор. Аммо афсуски, бизнинг мамлакатимизда бу ҳақда кам ўйлашади.

Бу масала, айниқса, бугун жуда мураккабдир. Чамаси, кейинчалик бу масалада ҳам муайян қонунчилик қабул қилинса керак.

В. БЕЛЕЦКАЯ

ҲОКИМИЯТ ВА САЛОМАТЛИК

(Охири. Боши ўтган сонларда).

ТВ

ЧОРШАНБА
5 ДЕКАБРЬ —

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Биология. 12.00 «Шифобахш сувлар водийси», «Тоқ новдаси» Телефильмлар. 12.30 Кимё. VI гуруҳ элементлари. 13.00 «Революция ваколати билан». Бадиий фильм. 1-серия. («Ўзбекфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Сирли қулф» Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Инсон ва қонун» туркумидан. «Прокурорни ким ҳимоя қилади?». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Қадрият». 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, бастакор Қаҳрамон Комилов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон халқ артисти С. Хўжаевнинг 80 йиллигига. «Ижодий портрет». 22.55 «Бузоқ йили». Бадиий фильм. (А. Довженко номли киностудия). 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ҳар бир уй учун». 19.35 «Давр тақозоси билан» (рус тилида). 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Санъат рекламаси». Тошкентда тижорат бўйича халқаро анжуман. 21.10 «Театр — менинг ишим». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт» 22.00 «Ҳаёти деҳот». 22.40 «Владимир Висоцкий». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Омега варианти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.20 Мультфильмлар: «Айиқча қачон уйқудан туради», «Сирли йўқолиш». 10.45 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). 2 ва 3-даврлар. 12.05 «Бу бўлган... бўлганди...». 12.25 «Ниқобни очиб қара». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 13.00 «Вақт». 13.40 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Лос-Анжелес-Кингз» — «Химик». 2 ва 3-даврлар. АҚШдан кўрсатилади.

* * *

16.00 «Бир варақ оқ қоғоз». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь). 16.30 «Мусиқий хазина». Я. Сибелиус. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 17.05 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).

«Юлейсрадио (Финляндия) компанияси МТ экранида

18.05 «6-километрда концерт». Ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 «Калевала». Мультфильм. премьераси. 5 ва 6-сериялар. 18.50 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 18.55 «Резонанс». «Европа келажакда: олий даражадаги учрашувдан сўнг». 19.55 М. Мусоргский. «Лисая горада тун». 20.10 «Омега» варианти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Коллаж.

«Юлейсрадио Финляндия) компанияси МТ экранида

22.05 «Ниқобни очиб қара». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 22.40 «Овози мен учун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. А. Ахматова шеърлари асосида композиция. 23.40 «ВИД» таништиради: «Виктор Цой хотираси». 01.10 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Табиат сирлари». Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Вазнсизлик ва ортиқча юк. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Умумий биология. 10-синф. Эволюциянинг асосий йўналишлари. 12.05 «Библиофика». 8-кўрсатув.

* * *

13.05 «Ялта-91». 13.15 «Манеждан манежгача». Э. Белютин студиясининг «Янги воқелик» бўлажак кўргазмаси муносабати билан. 13.25 «Ов». Ҳужжатли фильм премьераси.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

ҚАРЗ БЕРИЛДИ

«Мени сизларга шикоят ёзишимга мажбур қилган нарса оддий тенгсизлик. 1981 йил яхши ният билан иморат бошладим. Лекин шунча йилдан бери янги уйимни битказа олмай овораман. 1988 йил 4 февралда Фориш ноҳияси ижроқўмига қарз (ссуда) сўраб ариза ёздим. Қишлоқ Шўросидагилар оилавий шароитимизни кўриб кетди, — **деб ёзади «Фориш» давлат хўжалигининг 2-бўлимидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси Қувват ПЎЛАТОВ**. — Лекин турли баҳоналар қилиб қишлоқ Шўросидагилар қарз беришмади. Оилада шароитимиз оғир. Сизлардан илтимос, «Ёш ленинчи»лар, оиламизга давлатдан қарз олиб беришда ёрдам берсаларингиз».

Қ. Пўлатовнинг шикоят хатини текшириб чора кўриш учун **Фориш ноҳияси ижроқўмига юборган эдик**. Яқинда **ижроқўм раиси вазифасини бажарувчи Р. МАЛИКОВ** имзоси билан жавоб олдик:

«Фориш ноҳияси ижроқўми «Ёш ленинчи»га ёрдам сўраб мактуб йўллаган Қ. Пўлатов аризасини ўрганиб чиқди. Ижроқўмнинг № 9 қарорига асосан Қ. Пўлатовга 1500 сўм миқдорида қарз берилди».

УЙ МУБОРАК!

«Касбим шофёр. 1986 йилдан бери оиламиздаги 6 жон бир хонали уйда зўрға яшаяпмиз. Уй беришларини сўраб ариза ёзмаган ташкилот қолмади. Лекин ҳеч бир ташкилот раҳбари гапимизга қулоқ солмади. Сўнгги умидимиз сизлардан. Агар сиз ҳақиқатпарвар журналистлар ёрдам бермасангизлар, дардимизни кимга айтамиз. Наҳотки ёруғ дунёда сенинг дардингга ёки ташвишингга шерик бўладиган инсонлар топилмаса, — деб ёзади **Хоразм вилояти «Дружба» шаҳрининг Биринчи май кўчасидаги 1/3 — уйда, 24-хонадонда истиқомат қилувчи Искандар ПОЛВОНОВ»**.

Искандар Полвоновнинг ушбу шикоятини текшириб чора кўриш учун **Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисига** юборгандик. Яқинда **вилоят ижроқўми раиси ўринбосари В. ПУСТОВОЙ** имзоси билан жавоб олдик:

«И. Полвоновнинг шикояти ўрганиб чиқилди. Дружба шаҳар ижроқўми қарори билан яқинда И. Полвоновлар оиласига шаҳарнинг 1-Май кўчасида қурилган уйдан 4 хонали квартира ажратиладиган бўлди».

«ЙЎҚОЛГАН ЖИГУЛИ»

(26 СЕНТЯБРЬ, 1990 ЙИЛ).

Ж. Маматовнинг «Йўқолган жигули» мақоласида «Партия XXII съезди жамоа хўжалигининг 11 бригадаси аъзоси Зиёдулла Пўлатовнинг Жомбой ноҳияси ижроқўмидан ажратилган «Жигули» автомашинасини ололмаётгани ҳақида гап боради.

«Мақолада тилга олинган муаммо вилоят режалаштириш вакиллари, ҳамда Жомбой ноҳия ижроқўми раиси Н. Исмоилов, ноҳия режалаштириш ҳайъати раиси Т. Ўсаров ва материал «қаҳрамони» З. Пўлатов иштирокида ўрганиб чиқилди. Мақолада келтирилган далиллар тасдиқланди. Жумҳурият бозор жамғармаси ҳисобига 1990 йилнинг II ярим йиллигида «Жигули» автомашинаси ажратилмаганлиги сабабли З. Пўлатовнинг хоҳишига кўра унга 1990 йилнинг охиригача «Москвич-412» автомашинаси ажратиладиган бўлди», — дейилади йўллаган расмий жавобда.

У. НУРИЛЛАЕВ,
вилоят режалаштириш ҳайъати раиси.



«ОРЗУ»ДА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Бугунги кунда ҳукм сураётган иқтисодий инқироз шароитида меҳнат жамоалари зиммасига янада катта масъулият тушади. Истеъмол бозорини озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари билан тўйинтириш йўлида курашиш биринчи галдаги кечиктириб бўлмас вазифадир. Шу маънода истиқболни, аҳоли талабини ўйлаб иш юритаётган жамоалар маълум даражада муваффақиятга эришмоқда.

Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига киради. Кейинги йилларда «орзуликлар» маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, унинг турларини оширишда жумҳурият Енгил саноат вазирлиги корхоналари орасида пешқадамлик қилиб келишмоқда. Тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳам харидорларга манзур бўлаётир. Бу борада, айниқса, корхонанинг асосини ташкил этадиган йигит-қизлар улуши каттадир.

Хўш, бугунгидай оғир иқтисодий шароитда ютуқларнинг асосий омили нимада? Бу саволга бирлашма касаба уюшмаси қўмитаси раиси К. Солиҳов шундай жавоб қилади:

— Шундай шиор бор эди илгарилари: «Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак». Аслида менимча, яхши ишлаш учун яхшироқ яшамоқ ҳам керак. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, шу йилнинг ўтган ўн бир ойида 33 миллион 626 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани бажарибмиз. Ниманинг эвазига? Энг аввало, ишчи-хизматчиларга яхши меҳнат, маданий-маиший шароит яратилганлиги ҳисобига. Шу боис бирлашмамиз II ва III квартал якунларига кўра Ўзбекистон ССЖ Енгил саноат вазирлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмалари Жумҳурият Қўмитаси кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини қўлга киритди.

Яқинда бирлашмада анъанавий «Меҳнат байрами» бўлиб ўтди. Унда 2-цехнинг «Ғунча» ва 5-цех «Ихлос» командалари қизлари беллашдилар. Ғолиблик «Ихлос»га насиб этди.

Октябрь ноҳияси спартакиадасида учинчи ўринни эгаллаган корхона футболчиларига, команда сардори Аваз Рауфовга қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳига пул мукофотлари, мақтов қоғозлари берилди.

СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги «Орзу» бирлашмасида ўтган «Меҳнат байрами»дан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

«ЕТТИ ЎҒЛОН» ҲИЁБОНИ

Янгиқўрғон ноҳия комсомол қўмитаси эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Бундан ўн йил муқаддам бошланган афғон урушидан халқимиз жабр кўрди. Муниc онахонларнинг сочларига эрта оқ оралаб, юзларига ажин солди. Ана шу «ҳалоскорлик» жангу - жадалларида жумҳуриятимизнинг бир ярим мингга яқин навниҳол йигитлари шаҳид кетишди. Янгиқўрғондан эса 7 нафар.

Халқимизда хотирлаш деган яхши одат бор. Яқинда комсомол ташкил топган куннинг 72 йиллигига бағишланган тантана муносабати билан ноҳия марказида афғон урушида шаҳид бўлганларга «7 ўғлон» ҳиёбони очилди. Ёдгорлик қурилиши йил бошиданоқ режалаштириб қўйилганди. Август ойида ўтказилган ёшлар пул-буюм лотереясидан тушган маблағ ва ички имкониятлар ҳисобига ёдгорлик бунёдга келди.

(Ўз мухбиримиз).

ШВЕЦИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ўзбекистон мультипликаторларининг «Ришта» деб аталган лентаси Швецияда ўтказилган халқаро фестиваль ҳакамининг юқори баҳосини олди ва томошабинлар орасида муваффақият қозонди. Фильм муаллифлари С. Муродхўжаева билан С. Алибеков ўз янги асарларида инсон хотираси, авлодлар давомийлиги ва ўзаро алоқаларнинг шоирона қиёфасини яратдилар. «Ришта» — бу эзгулик ва муҳаббат, инсоний ўзаро муносабатларни тушуниш ва қадрлаш тўғрисидаги ҳикоядир.

С. Муродхўжаева касб-кори актёрлик бўлиб, 20 та фильмда суратга тушган. Эртаклар асосида яратилган мультфильм қаҳрамонлари номидан ўзбек тилида сўзлаган бу санъаткор мультипликация соҳасида секин-аста иш бошлади. Аввал режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлади, кейинчалик ўзи ҳам фильмларни суратга ола бошлади. «Ришта» С. Муродхўжаева яратган саккизинчи мультфильмдир.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28627.